

БУХОРО



ҚИСКАЧА СПРАВОЧНИК



*Иккинчи
тузатилган ва тўлдирилган
нашир*

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1959

Түзүвчилар:
Я. Ашурев, Т. Гелах, У. Комолов
Д. Номозовнинг
умумий таҳрири остида



СУЗ БОШИ

Бухоро шаҳри Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг йирик область марказларидан биридир.

Совет ҳокимияти йилларида Бухоро бутунлай бошқа тусга кирди, шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Кўчалар кенгайтирилди, кўкаламзор қилинди, асфальтланди. Кўп жойларда боғлар, скверлар ва болалар майдончалари пайдо бўлди. Саноатни ва аҳолини тоза сув билан таъминлайдиган водопровод қурилди, артезиан қудуқлари қазилди. Коммунал бинолар ва уй-жойлар тез суръатлар билан қурилмоқда. Ҳамма ерда шахсий уй-жойлар қад кўтара бошлади.

Шаҳарда мактаблар, техникумлар, маданий оқартув муассасалари, болалар боқчалари, яслилар ва касалхоналар бор.

Бухорода саноат анча ўсди, ўнлаб корхоналар қурилди. Қоракўлчилик, моторремонт ва

ёғ экспеллер заводлари, пахта мойи комбинати, пойабзал, пиллакашлик, йигириув, тикув ва қурт уруғи фабрикалари, күшхона музхонаси — шаҳарнинг энг йирик корхоналари ҳисобланади.

Бухорода марказий теплоэлектр станция қурилди.

Бухоролик моҳир усталар ўзларининг энг нафис зардўзлик буюмлари ва тўқиган шойи моллари билан анча узоқ жойларда шуҳрат қозонгандар.

Бухоронинг истиқболи катта. Областда газ, нефть ва бошқа фойдали қазилмаларнинг жуда катта запаслари топилди. Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент газ қувурлари қурилишида кенг миқёсда иш олиб борилмоқда. Ўрта Осиё республикалари ва Урални арzon ёқилғи билан таъминлайдиган газ қувури қурилишининг лойиҳасини тузиш ишлари тамом бўлди. Табиий газнинг бой запаслари оғир саноатнинг янги соҳаларини ривожлантиришга имкон беради. Бухоро обlastининг экономикасини тараққий эттиришнинг перспектив пла-нида яқин йиллар ичидаги азотли ўғит, пластик массалар, сунъий жун ишлаб чиқарадиган, костюмбоб ва шойи газмоллар тўқийдиган йирик саноат корхоналарини қуриш кўзда тутилади. Газ ишлатадиган йирик электр станцияси, цемент заводи, силикат ғишт заводи, иккита механизма заводи ва бошқа корхоналар қурилади.

Шаҳар Ўзбекистоннинг маданий ва обод марказларидан бири бўлиб қолди.

Бухоро кўп асрларнинг айрим даврларида Ўрта Осиёнинг асосий шаҳри бўлиб келди. Бу

Эса архитектура ёдгорликларининг ниҳоят кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Ҳозир шаҳарни «музей шаҳри» деса арзийди. Бу ном, бутун манзаалари сақланган ҳолда ўсиб бораётган социалистик шаҳарнинг саноат иншоотлари, янги қурилишлари, ўқув юртларига жуда мос келади.


Бухоро — бир қанча асрларнинг (IX — XX асрлар) архитектура ёдгорликлари сақланган шаҳарлардан биридир, бунда ўша даврда қурйилган биноларнинг деярли ҳамма турларидан намуналар бор.

Меъморликда ўз ифодасини топган ижодкор ҳалқ генийсининг ажойиб намуналари шу кунларда ҳам зўр манба бўлиб, ундан ҳозирги замон совет архитектураси кўпгина қимматли нарсаларни қабул қилиши мумкин.

Бухоронинг тарихий ёдгорликлари Совет Иттифоқида ҳам, чет элларда ҳам машҳур, улар жуда кўп совет ва чет эл туристларини қизиқтирум оқда. Бизгача етиб келган ёдгорликлардаги нақшларда ўз ижодчилари, яъни ҳалқ усталарининг номлари ёзилган. Бу номлар баъзи жойлардаги ёдгорликларнинг айрим бўлакларида ҳам сақланиб қолган.

Асарнинг бу нашрида авторлар ҳамма танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олдилар, рақамларни аниқладилар ва янгиладилар, баъзи бир бўлимларини кенгайтириб, янги материаллар билан тўлдирдилар.





БУХОРНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ОЧЕРКИ Шаҳарнинг географик ўрни, пайдо бўлиши ва номи, табиий шароитлари

Бухоро Зарафшон дарёсининг қуёйи оқимида, қадимдан деҳқончилик қилиб келинган воҳада жойлашган. Шаҳар пайдо бўлган вақт аниқ эмас.

Бухоро $39^{\circ}43'$ шимолий кенглика ва $64^{\circ}38'$ шарқий узунликда жойлашган. Шаҳарнинг иқлими субтропик, континенталь, яъни ёзи иссиқ, қиши анча илиқдир. Йил мобайнидаги ўртача температура $+15,1^{\circ}$ иссиқ бўлиб, июль ойида, яъни саратонда $+29,5^{\circ}$ иссиқ, январда $-0,6^{\circ}$ соvuқдир.

Ёғингарчилик бир меёрда бўлмайди. Январь ойи ёғингарчиликнинг энг кўп вақти (18 миллиметр), июль ойи эса айни қурғоқчилик (1 миллиметр) давридир. Ёзда ҳаво очиқ бўлади. Қуёш ниҳоят кўп нур сочиб, ҳавони иситади.

Бухоро шаҳрини эрамиздан аввал II асрда ги хитой саёҳатчилари биринчи бўлиб тилга олганлар. Эрамизнинг VI асрида хитойлар ша-

ҳарни Пу Хо, Ну Ми деб атаганлар. Шаҳарнинг вужудга келиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар хил афсона ва ривоятларга боғлиқ. Афсоналарнинг бирида Эрон шоҳининг ўғли Сиёвуш Бухорога келган, подшо Афросиёбнинг қизига уйланган ва шу ерда қўргон (арк) қурган, деб ҳикоя қилинади.


Х аср тарихчиси бухоролик Норшоҳий Бухордан бошқа бирорта шаҳар мунчалик кўп номларга эга бўлган эмас, деб ёзади. Хитойлар ва уйғурлар шаҳарни «Бухор» деб, яъни бутлар макони деб атаганлар. Атоқли рус олими Б. В. Бартольд Бухоро деган сўз санкрит (қадимий ҳинд) тилида монастирни (тарки дунё қилган зоҳидлар яшайдиган жойни) англатувчи «Бихара» сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Бу терминларнинг ҳаммаси ҳозирги «Бухоро» сўзига яқиндир.

Норшоҳий «Бухоро тарихи» деган китобида шаҳарнинг пайдо бўлиши тўғрисида шундай ҳикоя қиласди.

«...қадим замонларда Бухоро шаҳри ўрнида кўллар, қамишзорлар, чакалакзорлар бўлган. Бу ерда жуда кўп қушлар ва ҳайвонлар яшаган. Айрим жойларда дарахтлар ва бутазорлар шунчалик кўп қалин ўсанки, ҳатто уларни ҳайвонлар ҳам оралаб ўта олмаганлар. Самарқанд томондаги тоғларда қор эриб катта дарё ҳосил қилган. Бу дарёни Мосаф (ҳозирги Зарафшон) деганлар. Дарё суви жуда мўл бўлиб, форобгача (Амударёнинг ҳозирги ўзанигача) оқиб бориб, у ердаги қумларга сингган. Илгари кўл бўлган жойларни (ҳозирги Бухоро шаҳрининг ўрни) аста-секин лойқа



Калон масжидининг ховлиси



Эски Бухоронинг ум)



Бухородаги эски
кўчалардан бири



Қадимий күримиши



Қадимий шаҳар
дарвозаси Толипач



Арк



Исмоил Сомоний
мақбараси

босган, күл атрофига, айниқса Туркестон томонидан кишилар келиб, жойлаша бошлаган. Бу жойда сув, ўрмон, қушлар ва ҳар хил ҳайвонлар кўп. Кўчиб келган кишилар учун ҳамма қулайликлар бўлган. Одамлар бу ерда доимий туриб қолганлар. Улар даставвал чодирларда яшаганлар, кейин уй қура бошланлар»¹.

Бу ҳикоянинг рост бўлиши мумкин, чунки Бухоро шаҳри сув оқизиб келган аллювиаль тупроқ қатламлари устида қурилган.

Археологик текшириш материаллари шаҳар эрамизнинг биринчи асрода пайдо бўлган деб тахмин қилишга асос бўла олади. Шунингдек, бу жойнинг деҳқончиликка ярайдиган тупроқ қатлами ерларда 20 метргача бўлиши шаҳарнинг қадимий эканлигидан далолат беради.

Одамлар қадим замонларда Бухоро территориясида яшаб, деҳқончилик ва ҳар хил ҳунармандчилик билан кун кечирган.

Тарихий очерк

Бухоро воҳасининг табиий бойликлари қўшини давлатлар ва чет эл босқинчиларини қизиқтириди. Эрамиздан аввалги VI асрда Эрон шоҳи Қир, кейинроқ Дарий Бухоро ерларини босиб олдилар. Маҳаллий халқлар четдан келган босқинчиларга қарши қаттиқ курашдилар.

Чўпон Широқ катта жасорат кўрсатган. Халқ афсонасида унинг қаҳрамонлиги ҳақида айтилиб, Широқ душман томонига қочиб ўтган

¹ Норшоҳий, «Бухоро тарихи», Когон, 1904, 6—7-бетлар.

бир киши сифатида эронлилар қароргоҳига боргани ҳикоя қилинади. Унинг баданлари яраланган экан. Широқдан, сени ким бунчалик ярадор қилди, деб сўраганларга у, мени ўз юртимдагилар шундай қилди, энди қасос олмоқчиман, деб жавоб берган. Широқ эронлиларни душман қароргоҳига бошлаб олиб боришга рози бўлган ва уларни жўрттага узоқ чўлга олиб бориб адаштирган ва бунда эронлилар ҳалок бўлганлар.

Эрон шоҳлари Бухоро территориясида 330 йилгача (эрамизгача) ҳукмронлик қилдилар.

Искандар Зулқарнайн Эронни забт қилгандан кейин 329 йилда (эрамизгача) Осиёдаги бошқа жойлар билан бир қаторда Бухоро (Сўғдиён) территорияси ҳам юононлар қўлига ўтди. Бу ердаги халқлар босқинчиларга қарши қаттиқ курашдилар. Марокант (Самарқанд) да Спитамен бошчилигида қўзғолон бошланди, қўзғолон раҳмсизларча бостирилди.

Сўғдиёнда юононлар ҳукмронлиги эрамизнинг II асригача давом этди.

Сўғдиён ва унинг ажралмас қисми Бухоро юононлардан озод бўлгандан кейин, бу ерда экономика ва маданият яна ривожланди, Фарб ва Шарқ билан савдо давом этди.

Эрамиздан аввалги I асрдан бошлаб Бухоро Қушон давлатининг бир қисмини ташкил этди. Бу давлат Ўрта Осиёдаги энт катта давлатларнинг бири эди. Давлат маркази ҳозирги Каттақўрғон районида бўлган эди, деб тахмин қилинади.

Эрамизнинг V асрида Бухоро эфталитлар давлатига кирди. Бу давлатнинг пойтахти Бу-

хородан 40 километр узоқликдаги Пойкент шаҳари эди.

VII асрда араблар тарихда намоён бўлди ва қисқа муддат ичида Эрон, Фаластин, Миср ва бошқа мамлакатларни босиб олди. 709 йилда араблар Бухорога ҳужум қилиб, кўп қон тўккандан кейингина шаҳарни ишғол қилди.

Араблар истилосидан аввал Бухоро Ўрта Осиёning йирик савдо ва маданият маркази эди. Бухоро Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан савдо қиласарди. Араб тарихчилари шаҳарнинг ўша давр тарихини ба-тафсил ёзганлар.

Ўша вақтларда Бухоро территорияси тахминан 30—35 гектар эди. Шаҳар маркази ҳозирги Тоқи-Заргаронда (Сталин кўчасида) бўлган. Шаҳарнинг бу қисми 7 дарвозали девор ичида бўлиб, Шаҳристон деб аталган. Бухоро икки минг йилдан ошиқ давр ичида вужудга келган деҳқончиликка ярайдиган тупроқ қатламларининг уюмларига қараб, бу қадимий Шаҳристон чегарасининг қаерларидан ўтганини пайқаб олиш мумкин. Бу деворнинг шимолий қисми қаерда бўлганини ҳозирги колхоз бозоридан пахта заводи томонига бораверишда, жанубий қисмини эса Пушкин кўясида кўриш мумкин.

Шаҳристон кўчалари шахмат тартибида жойлашган. Бу усулда шаҳарлар қуриш шарқнинг қадимий анъанасидир. Кўчалар дунёning тўрт томонига қараб чўзилиб кетарди. Буни ҳозирги Бухоронинг Тоқи-Заргорон атрофида аниқроқ пайқаб олинса бўлади.

Шаҳристондан ғарбда Арк (қўргон) ёки ўша вақтдаги номи билан айтганда кукендиж жойлашган. Ҳозирги Колхоз кўчаси ғарб томондан Шаҳристонни Аркдан ажратиб турган.

Араблар истилосигача Аркда шаҳар ҳокими-лари Бухор-худотлар яшади. Араблар шаҳарни босиб олгандан кейин Шаҳристонда тинч аҳолининг уйларини эгаллаб олдилар.

Улар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий аҳолини зўрлаб мусулмон қилдилар.

Босқинчи араблар зулми халқ қўзғолонла-рига сабаб бўлди. 750 йилда Бухоро аҳолиси Шарик бошчилигида босқинчи арабларга ва маҳаллий феодалларга қарши курашга отланди. Қўзғолончилар қаҳрамонлик кўрсатишила-рига қарамай, улар мағлубиятга учраган эди.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин Бухоро аҳолиси Хошим Иби Ҳаким (Муқанна) бошчилигида золимларга қарши яна қўзғолон кўтарди. Бу ҳаракат «Оқ либос кийганлар ҳаракти» деб аталди. Ҳаракат кучайиб кетди ва бора-бора Сирдарё билан Амударё ўртасидаги террито-рияга ёйилди. Қўзғолончилар шаҳар атрофи-ни эгаллаб, узоқ вақт ўзларини мудофаа қилди-лар. Улар мардона курашсалар ҳам, қўзғолон зўрлик билан бостирилди. Халқ афсонасида айтилишича, душманлар ўраб олгандан кейин Муқанна гулхан ёққан ва ўз одамлари билан бирга ўзини ўтга ташлаган.

Араб ҳукмрон доиралари халқ ҳаракатидан қўрқиб, маҳаллий зодогонларни давлат ишла-рига торта бошлидилар. IX асрда Бухорода

балхлик катта ер эгаларидан — сомонийлар ҳукмронлик қила бошладилар. Бу сулола ўз асосчиси Исмоил Сомонийдан бошлаб Сомонийлар сулоласи деб аталди. Қарийб бутун Ўрта Осиё территориясини ўз ичига олган бир феодал давлат пайдо бўлди. Бухоро шаҳри бу давлатнинг пойтахти эди. Ўрта Осиёда ҳунармандчилик, савдо ва маданият жуда ҳам ривожланди. Рус давлати билан савдо айниқса кучайди. Бу алоқани Киев давлати билан Шарқ ўртасидаги барча сув йўлларида топилган Сомоний тангалари аниқроқ кўрсатиб турибди.

Шаҳарнинг ташқи кўриниши ўзгарди. Аҳолиси анча кўпайди. Шаҳристон атрофида янги маҳаллалар, гузарлар, бозорлар, устахоналар пайдо бўлди. Тарихчи Норшоҳийнинг ҳикоя қилишига қараганда, Арк ёнидаги катта устахонада ишлаган кишилар ниҳоят даражада оғир кун кечирганлар. Эҳтимол улар қул қилинган кишилардир.

Деҳқонларнинг турмуш шароити ҳам яхши эмас эди. Солиқлар ва ҳар хил мажбуриятлар йил сайин ошиб борди. Шаҳар ва шаҳар атрофида яшаган меҳнаткашлар золимларга қарши қўзғолон (874—875 йилларда) кўтардилар.

967 йилда Абубакир бошчилигига қўзғолон бошланди. Бухоро ўша вақтдаги феодал муносабатларни ривожлантира бошлаган бир шаҳар эди.

Шаҳар бўлина бошлади, территориал бирлиқ қолмади, у асосан уч қисмга, яъни Арк, Шаҳристон ва Роботга ажралди.

Регистон майдони шаҳарнинг маъмурий маркази бўлиб қолди. Бу ерга девонлар, яъни асосий муассасалар жойлашди. Регистон атрофига (Жуи-Мулёнда) саройлар—шохлар уруғаймоқларининг ҳашаматли уйлари қурилди. Шаҳристон чегарасидан ташқари жойларда Робот пайдо бўлди. Аҳоли ўз ҳунари-касбига кўра маҳаллаларга жойлашган эди.

Работнинг айрим қисмлари девор билан ўраб олинди. Булардан ташқари шаҳар територияси 11 дарвозали баланд девор билан ҳимояланди.

Хасрда Бухоро юксак феодал маданий марказга айланди. Бу ерда жаҳонга машҳур бўлган олимлар, шоир-ёзувчилар, рассомлар хизмат қилди. Чунончи, тарихчи Норшоҳий (Бухорода туғилган), шоирлардан Рудакий ва Дақиқий, табиб ва математик, ўз замонаси нинг энциклопедисти Абу Али ибн Сино, тарихчилардан Белазурӣ, Тоборий, Ибн Масковейх ва бошқа олимлар бор эди. Улар жаҳон фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўщдилар.

Тоқи-Телпакфурушон ўрнида китоб бозори бўларди, шунинг учун бу қуббани Тоқи-Китобфурушон деб атаганлар. Бу ерда ҳар хил китоблар ва қўллэзмалар сотиларди.

Шаҳарда ўша замоннинг жуда катта кутубхонаси бор эди. Абу Али ибн Сино ўз таржи-маи ҳолида бу кутубхонани тасвирлаб ўтди. Кутубхонада китобларнинг каталоги, китоб сақланадиган маҳсус жойлар бўлган.

Сомонийлар даврида шуҳрати бутун жаҳонга кетган тарихий ёдгорлик — машҳур Исмоил

Сомоний мақбараси Бухорода қурилди. Сомонийлар ҳукмронлиги 874 йилдан то 999 йилга-ча давом этди.

999 йилда Етти сувдан келган қорахонийлар ҳозирги Бухоро территориясини забт қилдилар. Қорахонийлар 1141 йилгача ҳукмронлик қилдилар, сүнгра Бухорони кўчманчи қорахитой қабилалари босиб олди. Феодал зодагонлар ва руҳонийлар (садрлар) билан бирга қорахитойлар аҳолига жуда оғир солиқлар солдилар. Бу қаттиқ жабр-ситамлар натижасида 1206 йилда бухоролик Малик Санжар бошчилигида қўзғолон бошланди. Аммо қўшни Хоразм шоҳлари давлати рўй берган бу вазиятдан фойдаланиб, ўз кучлари билан қўзғолонни бостириди ва Бухорони босиб олди.

Шаҳарда қорахонийлар даврининг кўпгина ёдгорликлари, чунончи Арслонхон минораси, Маҳоки Аттори масжид, Номозгоҳ масжид ва Чашмаи-Айюб мақбараси сақланиб қолган. Минора эса бу ёдгорликларнинг энг ажойибидир. У Масжиди Қалон, Мир Араб мадрасаси ва Амир мадрасаси (ҳозир кутубхона) каби қизиқарли архитектура комплексининг бир қисмини ташкил этади.

Уша вақтда Хоразм Ўрта Осиёning энг йирик давлати бўлиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг деярли бутун жанубий қисмини аста-секин босиб олган эди.

XIII аср бошларида Бухоро воҳаси (Сўғдиён)нинг бойликлари яна бир истелочи — мўғулларни қизиқтируди. Улар Чингизхон бошчилигида Сўғдиённинг анча қисмини босиб олдилар. 1220 йилда Чингизхон руҳонийлар ва


лашқар бошлиқларининг хоинлигидан фойдаланиб шаҳарни қўлга олди. Аммо халқ оммаси тезгина таслим бўлмади. Ватанпарварлар Аркка бекиниб олиб, 12 кун мобайнида жасурлик билан жанг қилдилар. Арк ҳимоячилари ниҳоят ҳолдан тойғанларидан кейингина курашни тўхтатдилар.

Мўғуллар аввало шаҳарни эгалладилар, кеийин таладилар. Аҳолини қул, хўжаликни вайрон қилдилар.

XIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро астасекин тиклана бошланди. Ўша даврда Бухорга келган италиялик сайд ёҳ Марко Поло бу шаҳарни «улувор шаҳар» деб атади. Аммо халқ ўзининг оғир аҳволига рози бўлавермади ва золим мўғулларга қарши қўзғолон кўтарди. Ҳунармандлар кўтарган бундай қўзғолонларнинг бирига Маҳмуд Торобий (Торобий қишлоғидан) бошчилик қилди. Қўзғолон шаҳарда ва яқин атроф жойларда ҳам бўлиб ўтди. Қўзғолончилар фақат мўғулларга қарши эмас, балки оғир солиқлар солиб, халқни эзган маҳаллий феодалларга ҳам қарши курашдилар. Улар болта ва кетмон кўтариб жанг қилдилар. Натижада шаҳар аёнлари ҳайдаб юборилди. Кейинчалик қўзғолон бостирилди.


1370 йилда Бухоро Темурийларнинг катта империясига кирди. Темур бир қанча мамлакатларни бўйсундириб, уларнинг моҳир усталирини ва кўп бойликларини олиб кетди. Темур даврида Самарқандда ва унинг ўзи туғилган Шаҳрисабз шаҳрида катта қурилишлар бошланди. Шаҳрисабзда қурилган Оқ сарой харобалари ҳали ҳам бор. Темур вақтида су-





Кўналдош мадрасаси

Дөвонбеги ҳоноқаси



ғориш шаҳобчалари тикланди, йўл ва кўприк-
лар қурилди.

Шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо, бадиий
буюмлар ишлаб чиқариш ривожланди. Қишлоқ
хўжалиги ўсди. Аммо бу даврда Самарқанд
шаҳри пойтахт бўлгани учун Бухоронинг
аввалги сиёсий аҳамияти қолмади. Лекин Бу-
хорода қурилиш ишлари, яъни зиёратгоҳга
айланган қадимий бинолар — Темурдан аввал
қурилган Чашмаи-Айуб мақбараси, Моҳоки
Автори ва Номозгоҳ масжидлари ремонт қи-
линди.

Археологик материалларни ўрганиш асоси-
да шунун айтиш мумкинки, XIV асрда Бухоро-
да бинолар жадал қурилган. Шаҳарнинг кўп
жойларида ўша замонга хос кўк ранг кошин-
лар топилмоқда.

Темурнинг набираси Улуғбек даврида Бухо-
ро феодаллар дунёсининг маданий маркази
бўлиб қолди. Улуғбек Бухорода, Самарқанд-
да ва Фиждувонда уч мадраса, Самарқандга
яқин жойда астрономия обсерваторияси (ра-
садхона) қурдирди.

1506 йилда Бухорони Шайбонийлар, яъни
ўтроқ ва кўчманчи ўзбек қабилаларидан пайдо
бўлган янги сулоласи забт қилди. Бу сулола
ҳукмронлик қилган дастлабки йилларда Са-
марқанд пойтахт бўлиб қолаверди. XVI аср-
нинг иккинчи ярмидан бошлаб, Абдуллахон
даврида (1557—1598 йилларда) эса Бухоро
давлатнинг сиёсий марказига айланди ва дав-
лат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

Шайбонийлар идора қилган даврда Бухоро
хонлигининг экономикаси анча юксалди. Эко-

номика ривожланганига турли йиллардан ва айниқса XVI асрнинг иккинчи ярмидан қолган жуда кўп қурилишлар гувоҳлик бериб турибди. Шаҳар революциягача бўлган ўша умумий қиёфасини сақлаб келмоқда. Лабиҳовуз, Тоқи Саррофондан то Регистонгача чўзилиб кетган бешта бозор гумбази қурилди, улар ўзига хос расталардан иборат эди. Кўчаларда иссиқ кунларда аҳоли қатнайдиган жойларга соя бериш учун тахта айвонлар (шийпонлар) қурилган эди. Шаҳар майдонларида Калон, Кўш мадраса, Гавкушан, Кўкалдош ва бошқа шулар сингари масжид, мадрасалар қад кўтариб туради. Шаҳар атрофи 12 километрга яқин баланд девор (қўрғон) билан ўраб олинган, деворнинг эни 5 метр, баландлиги 10 метр келарди.

Совет олимларидан И. И. Умияков ва О. А. Сухаревалар XVI аср ва кейинги йиллардаги Бухоро топографиясини яхши ўргандилар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Шайбонийлар сулоласи идора қилган вақтда Жўйбар шайхлари Бухоро атрофи (Чор Бакир)да жуда кенг ер майдонларига эта бўлиб, катта роль ўйнадилар. Бу даврда шаҳар территорияси анча кенгайди. Шаҳар девори ҳозирги жойига (йигирув фабрикаси ва Киров номли маданият ва истироҳат парки олдига), ғарб томонига кўчирилиб, шаҳар кенгайтирилди.

XVI асрда Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан Бухоронинг савдо алоқаси жонланди. Россиядан Бухорога металл, буюмлар, мўйна, кўн, мўм, асал, ёғоч идиши-

лар, ойна, мовут ва бошқа моллар келтирилди. Бухородан қоракўл терила, шойи моллар, жун ипак, қуритилган мевалар юбориб турилди.

1595 йилда Бухоро хонлигини Астрахань шоҳларининг номи билан аталган Аштархонийларнинг янги сулоласи бошқара бошлади. Бу даврда феодалларнинг ўзаро низолари ниҳоят кучайиб кетди. Аштархонийлар даврининг охирларида (XVIII аср) Бухоро хонлигининг илгариги иқтисодий ва маданий аҳамияти қолмади. Хонликнинг экономикаси заифлашгани сабабли, шаҳарда қурилиш ишлари камайди. Ўша даврдан хотира учун Чор Минор мадрасасидан бошқа биронта ҳам ажойиб бино қолмади.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодирхон Бухорога юриш қилди. У Бухоро хонлигини бўйсундириб, маҳаллий феодаллардан Муҳаммад Раҳимни шаҳарда ўз ноibi қилиб қолдирди. Муҳаммад Раҳим тез орада ўзини амир деб эълон қилди ва янги Манғит сулоласини тузди (1753—1920). Бу сулоланинг ҳукмронлиги амирлик ағдарилганигача давом этди.

Манғитлар ҳукмронлиги Бухоро тарихининг энг мудҳиш давридир. Шарқ мусулмонлари феодал маданиятининг маркази Бухоро диний жаҳолатпарастлик ва сиёсий мутаассиблик марказига айланди. Диний адабиётда Бухоро «Бухоро шариф», яъни «муқаддас» деб атала бошланди.

Илгари Бухоро мадрасаларида дин ақидаларидан ташқари баъзи бир фанлар ҳам ўқитилган бўлса, энди уларнинг ҳаммаси таъкиқланди. Тараққипарварлик ғоялари учун

қаттиқ жазо берила бошланди. Диний муно-
фиқлик ва ёлғонлар ҳамма жойларда авжига
чиқди. Амир саройида аҳлоқий бузилиш бош-
ланди. Амалдорлар ва сарой аслзодалари
фисқ-фасод билан кун ўтказдилар, ўша замон-
нинг ҳунармандчилиги, фани, санъати ва поэ-
зияси таназзулга учради. Феодаллар ўртасида
ҳамиша ўзаро уришлар бўлиб турди. Айrim
ҳокимлар ўртасидаги ўзаро низолар ва
жанглар сира босилмади. Савдо-сотиқ ка-
майди.

Яқиндагина экономикаси ва маданияти жу-
да ҳам ривожланиб кетган Бухоро хонлигига
тушкунлик ва орқага кетиш бошланди.

Ўрта Осиёning Россияга қўшилиб олиниши
Бухорода яшаган халқлар тақдирида катта
прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Россияning
экономикаси ва маданияти анча юксалган эди.
Бу иккала давлат ўртасида илгариёқ ўрнатил-
ган савдо ва маданий алоқалар давом
эттирилди. Аммо ўша даврда Англияning
босқинчлиларни Россияning Осиёдаги
чегаралари учун хавф туғдирди. 1852 йилда
Англия билан Афғонистон ўртасида бошлангач
уруш вақтидаёқ инглизлар Бухоро амирлиги
территориясига ўтмоқчи бўлдилар, лекин мұ-
ваффақият қозона олмадилар.

Россия ҳукумати ўз мамлакатини инглиз
мустамлакачиларидан сақлаб қолиш ниятида
Ўрта Осиёни тезроқ әгаллаб олиш чораларини
кўрди. Иккинчи томондан капиталистик сано-
ати ўсаётган Россия янги бозорларни ва хом
ашё манбаларини ўз қўлига киритишга ин-
тилади.

XIX асрнинг 60—70 йилларида чор ҳукумати Бухоро амирлигини босиб ола бошлади. Бухоро қўшинларининг рус ерлари чегарасига ҳужуми, шунингдек Бухородаги рус элчихонасининг ушлаб қолинганлиги бунга баҳона бўлди. 1868 йилда генерал Кауфман Бухорога ҳужум қила бошлади.

Бухоро амирлиги Россияга қарши урушга тайёрланмаган, амир қўшини у қадар жанговар кучларга эга эмас эди.

1868 йилда Зирабулоқ атрофидаги қонли жанглардан кейин Бухоро қўшини енгилди. Амирнинг илтимоси билан тузилган сулҳ шартномасига кўра, Бухоро амирлиги Россияга тобе бўлиб қолди. Чор Россиясининг реакцион сиёсатидан қатъи назар, Россия протекторати Бухоронинг тарихий тақдирида жуда катта прогрессив қадам бўлди.

Қуллар савдосини тақиқлаш, феодализмга хос тарқоқлик ва ўзаро урушларни тугатиш Бухоро учун прогрессив аҳамиятга эга эди. Мамлакатнинг айrim қисмлари ўртасидаги алоқани яхшилаш учун руслар телеграф қурдилар, почта ташкил этдилар, йўлларни яхшиладилар. 1877—1888 йилларда Бухоро териториясида Красноводскдан Самарқандгача биринчи темир йўл қурилди, 1907 йилда Бухородан Когонгача поездлар қатнай бошлади. Темир йўл станциялари атрофида рус қишлоқлари, мактаблар, касалхоналар, маориф муассасалари пайдо бўла бошлади. Бу эса Бухоро амирлигидаги қолоқ аҳоли маданиятини ривожлантиришга анча таъсир этди.

Темир йўл қурилгандан кейин товар обороти ошди, Россиядан Бухорага кўплаб саноат маҳсулотлари келтирила бошланди. Россия билан Бухоро ўртасида савдонинг кучайгани туфайли пахта майдонлари кенгайди, чорвачилик ривожлана бошлади. Савдони янада ривожлантириш учун рус банклари Бохорода ўз бўлимларини очдилар. Улар мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини ўзларига бўйсундирдилар ва капиталистик эксплуатацияни кучайтирувчи восита бўлдилар.

Капиталистик корхоналар ўсган сари маҳаллий пролетариат кадрлари пайдо бўла бошлади, чоризмга ва маҳаллий эксплуататорларга қарши мустақил курашган рус ишчилари билан яқиндан алоқа боғланди. Бухорага келган рус олимлари ер ости бойликларини текширдилар ва шу билан уларни янада чуқурроқ ўрганиш учун шароит яратдилар.

1889—1897 йиллар мобайнида қурилган иккি касалхона ва бир дорихона, кейинчалик аҳолининг соғломлаштиришда катта роль ўйнади. 1910 йилда Бухорода янги усулдаги биринчи рус тузем (маҳаллий аҳоли учун рус мактаби) мактаблари очилди. Бу мактабда атоқли ёзувчи Сулаймон Пайравий ўқиди.

XIX асрнинг илфор рус маданияти таъсирида Бухорода демократик маърифатчилар ҳаракати бошланди. Аҳмад Дониш бу оқимни бошлаб берувчи бўлди.

Аммо Россияга протекторат вақтида Бухоро амирлигига ва айниқса қишлоқларда феодал-патриархаль муносабатлар ва патриархаль қабила ҳаёти сақланиб қолди. Бухоро мустамлака бўлиб қолаверди. В. И. Ленин ўз асарла-

ридан бирида Россиянинг Хева ва Бухоро сингари мустамлакалари бор эканини кўрсатиб ўтган эди.

XIX аср охиrlарида ва XX аср бошларида Бухоро шаҳарининг территорияси кенгайиб, 1920 йилдаги ҳолига келди. Шаҳар 200 дан ошиқ гузарга бўлинган эди. Ҳар бир гузарда бир касбдаги ҳунармандлар яшарди, гузарларнинг номлари эса ўша жойда яшовчиларнинг касбларига монанд қилиб қўйилди. Бир вақтлар, гузарларни бир-биридан ажратиб турган деворлар аллақачон емирилган, шаҳар эса XVI асрнинг иккинчи ярмида қурилган баланд бир девор билан ўралган эди.

Протекторат даврида Бухоро меҳнаткашлари икки томонлама эзилдилар. Бир томондан улар чор Россиясига қарам бўлиб қолдилар, уларни рус амалдорлари, савдогарлари, иккичи томондан амир савдогарлари, амалдорлари, бойлар, руҳонийлар эзди. Аҳолига ҳар хил жуда оғир солиқлар солинди. Майда ҳунармандлар, савдогарлар, косиблар ва айниқса деҳқонлар ҳар хил йиғимлар тўлаб турдилар. Ўша вақтда «Бухорода солиқ солинмайдиган фақат бир нарса, у ҳам бўлса ҳаво қолди» дер эдилар.

Шунинг учун Бухоро аҳолиси золимларга қарши қаттиқ курашди. Бу кураш 1905—1907 йиллардаги рус революцияси таъсири билан яна кучайди. Туркистонда революцион ҳаракат аввало руслар жойлашган шаҳарларда ривожланди. Бу жойлардан маҳаллий меҳнаткашлар оммасига ҳам марксизм-ленинизм фоялари тарқала бошлади.

1905 йилда Янги Бухоро (Когон) пахта заводининг ишчилари иш ташладилар. 1906 йилда Когон станцияси ва бошқа корхона хизматчилари қўзғолон қилдилар. 1906 йилда Денов беклигига, 1909 йилда Кулоб беклигига қўзғолонлар бўлиб ўтди.

Уша йилларда «жадидизм» деб аталган мустақил сиёсий оқим бошланди. «Жадид» арабча «янги» деган сўз. Жадидлар мактабларни ислоҳ қилиш, капиталистик муносабатларни янада ривожлантиришга ҳалақит берәётган феодал муносабатларни бекор қилиш тўғрисида шиор чиқардилар.

Бухорода пайдо бўлган ёш бухороликлар, яъни буржуа миллатчи жадидлар партияси ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлган миллий буржуазия максадларини ифода қилди. Ёш бухороликлар Бухоро амирлигини тугатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймадилар, балки буржуазия учун фойдали айрим ислоҳотларни кўзлаш билан чекландилар. Шунинг учун ҳам улар Бухорода революцион ҳаракатнинг янада ривожланишига ҳалақит бердилар. Аммо булардан қатъи назар революцион озодлик ҳаракати авж олиб борди, февраль буржуа-демократик революциясидан кейин бу кураш айниқса кучайди.

Жаҳон тарихида яна бир янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун жаҳон халқларининг, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг озодлик ҳаракатида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бухорода кўп меҳнаткашлар қатнашган митинглар, намойишлар ва йиғилишлар ўта бош-

лади. Амир барча прогрессив арбобларга қарши қувғин уюштириди. Кўпгина кишилар Арк ва зиндан ҳужраларига қамалдилар. Талантли ёзувчи ва тожик совет адабиётининг асосчиси Садриддин Айни кишанланиб Арк обхонасига ташланди. Маҳаллий аҳолидан чиққаң атоқли революционер Абдуллахўжа Тўраев 1920 йилда зинданда азобланиб ўлдирилди. Уша йилларда амир озодлик учун курашган кўп кишиларни ўлдириди. Прогрессив кайфиятдаги зиёлилар ва меҳнаткаш халқ Бухорони ташлаб Когонга, Самарқандга, Тошкентга ва Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларига боришга мажбур бўлдилар.

1918 йилда Тошкентда Бухоро Коммунистик партияси тузилди. Уни ташкил этишда ўртоқ Козимжон катта роль ўйнади (1919 йилда Тошкентда вафот этди). Бухоро, Когон ва Чоржўй шаҳарларида Коммунистик партиянинг яширин ташкилотлари бор эди. Бухоро Коммунистик партия ташкилоти Эски Бухорадаги Чор Минор кўчасида революционер Абдуллахўжа Тўраевнинг уйига жойлашди.

Бухоро амири революцион халқ ҳаракатига қарши курашиш билан ўз қўшинининг анча қисмини шаҳарга тўплади. Бу армиянинг асосий қисми Ўрта Осиёда тор-мор қилинган контрреволюцион ташкилотлар, Бухорога қочиб келган кишилар ва рус оқ гвардиячиларидан иборат эди.

Амир қаттиқ жазо чораларини кўрса ҳам, яширин партия ташкилоти шаҳар меҳнаткашлари ўртасида тинмай иш олиб борди, озодлик учун курашда уларга ҳар томонлама ёрдам

берди. Партияning обрўси ва меҳнаткашлар оммасига тъсири кун сайин ошиб борди. Буни 1919 йилда партия аъзолари сонини ўсганилиги кўрсатади. Бу ерда партия аъзоларининг сони 5 минг кишига етди. Бухоро партия ташкилоти ҳалқнинг революцион ҳаракатига ҳар томонлама тўсқинлик қилиб келаётган ёш бухороликларга — жадидларга қарши ҳамиша кураш олиб борди.

1919 йил сентябрда Коммунистик партияning II съездиде Усмон Ҳўжаев бошчилигидаги ёш бухороликларни партия сафидан чиқарди. Бухоро Коммунистик партияси тъсирида ва Туркистанда совет тузуми ғалаба қозонгани туфайли Бухоро амирлигига қарашли шаҳарлар ва қишлоқларда революцион ҳаракат кучайди.

1919 йилда Бухорода амирга қарши бошланган қўзғолонга 15 мингдан ошиқ киши қатнашди. 16 августдан 18 августгача Чоржўй шаҳрида Бухоро Коммунистик партиясининг IV қурултойи (съездиде) бўлиб ўтди. Съезд қуролли қўзғолон уюштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Съезддан кейин революцион ҳаракат янада тез ривожлана бошлади.

1919 йил август бошларида Чоржўйда амirlик тузуми ағдарилди. Бухоро атрофида ҳам революцион ҳаракат кучайди. Қўзғолон бошлаган ҳалқ илтимоси билан М. В. Фрунзе бошчилигидаги Туркистан фронтининг қўшинлари Бухорога келдилар. Тўрт кун давом этган жангдан кейин 1920 йил 2 сентябрда қутирган ва золим амир истеҳкоми бўлган Бухоро енгилди. Революцион ҳалқ Регистон тепасига озодлик Қизил байроғини тикиди. Бир неча кундан ке-

йин Минори Қалон майдонида Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тузилганилиги эълон қилинди.

Октябрь ойида собиқ амир саройи Ситорам Моҳи Ҳоссада Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг I Советлар съезди бўлиб ўтди. Съезд Бухоро Ҳалқ Совет Республикасини тузиш тўғрисидаги манифестни тасдиқлади. 1921 йил сентябрь ойида ўша жойнинг ўзида Советларнинг II съезди бўлиб ўтди ва Бутун Бухоро Советлар Ижроия Комитети сайланди. Съездда Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси билан РСФСР ўртасида тузилган шартнома ёш республиканинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу шартномани РСФСР нинг Бухородаги вакили В. В. Куйбишев имзолади. Шартномага мувофиқ РСФСР 50 минг сўм пул, революциядан илгари Россияга қарашли ва Бухоро территориясида қурилган барча фабрика ва заводларни, кейинчалик булар эвазига ҳақ тўламаслик шарти билан, ёш республикага берди. Янги ҳалқ ҳукумати Бухоро республикасидаги эски қозихоналарни ва ўлим жазосининг шармандали усулларини бекор қилди, қонундан ташқари йиғим ва солиқларни тугатди, барча миллатларнинг ҳуқуқларини баравар қилди, хотин-қизларга тенг ҳуқуқ берди, ҳалқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини ислоҳ қилди, амрига қарашли ерларни мусодара этди.

1921 йил февраль ойида, ҳозирги почта биносида (Ленин кўчасидаги 2-растада) Бухоро

Коммунистик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Республиkaning давлат, иқтисодий ва маданий қурилишлари юзасидан тадбирлар белгиланди. Қурултой III Коммунистик Интернационалга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1921 йил декабрь ойида Бухоро Коммунистик партиясининг VI қурултойида партияning программаси қабул қилинди.

1922 йил ёзида В. И. Лениннинг энг яқин сафдоши Серго Оржоникидзе партия ва давлат аппаратини янада мустаҳкамлаш учун Бухора келди.

Бухоро меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўз сафларини жислаштириб, Совет ҳокимияти учун курашдилар, контрреволюция ва чет эл интервентларининг кирдикорларига қатъий зарба бердилар.

Ички ва ташқи душманлар уюштирган босмачиликни тугатиш учун кўпгина куч ва маблағ сарфлашга тўғри келди.

Босмачи галалар тор-мор қилингандан кейин, 1923 йил ноябрь ойида Буюкбритания Коммунистик партияси Бухоро қуролли кучлари қўмондонлиги номига қўйидаги мазмунда телеграмма юборди: «Буюкбритания Коммунистик партияси сизнинг босмачиликка қарши қаҳрамонона курашингиз билан мағурланади. Коммунистик партия шу билан мағурланадики, сиз босмачилик хавфини амалда тугатдингиз ва Бухоронинг тинч тараққиётини таъминладингиз. Буюкбритания Коммунистик партияси Бухорони советлаштириш Шарқда курашаётган барча омма учун жуда катта

аҳамиятга эга эканини тўла равишда назарга олади».¹

Контрреволюция устидан ғалаба қозонгандан кейин Бухоро Халқ Совет Республикаси меҳнаткашлари вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, ўз маданий савиясини ошириш, қудратини мустаҳкамлаш сингари ишларни бошлаб юбордилар. Буларнинг ҳаммаси республикани социалистик тараққиётнинг янги босқичига ўтишига шароит яратди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси 1920 йилдан 1924 йилгacha давом этди. 1924 йил сентябрь ойида халқ вакилларининг V қурултой Бухоро Халқ Совет Республикасини социалистик республикага айлантириш тўғрисида, миллий чегараланишни ўтказиш зарурлиги ҳамда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг СССР составига кириши тўғрисида тантанали вазиятда қарор қабул қилди.

1925 йил февралда Бухорога СССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси М. И. Калинин келди. Ҳозирги область музикали драма театри биносида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди бўлиб ўtdи. М. И. Калинин съездда иштирок этди ва Ўзбекистон ССР Советларининг I съезди ишига раҳбарлик қилди. I съезд V қурултойнинг миллий чегараланиш тўғрисида қабул қилган қарорини ва Ўзбекистон ССР Конституциясини тасдиқлади ҳамда Йўлдош Охунбобоев бошлигидаги ҳукуматни сайлади. Самарқанд

¹ Ўзбекистон ССР Октябрь Революцияси Марказий Давлат архиви, Ф. Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитети, Д. 437, 50—51-варақлар.

шаҳри пойтахт деб эълон қилинди. Бухоро
Зарафшон округининг маъмурий марказига ай-
ланди. Кейинчалик бу округ Ўзбекистон ССР
нинг Бухоро области бўлиб қолди.





АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИ

Бухорода халқ меъморлигининг энг қадимиј архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Шаҳар территориясида эрамиздан аввалги IX асрдан то ҳозирги вақтгача барча тарихий даврларниң ёдгорликлари бор.

30 дан ошиқ архитектура иншоотлари давлат ҳисобига олинди. Совет ҳукумати тарихий ёдгорликларни сақлаш учун йил сайин кўп пул ажратади. Елғиз 1958 йилда ёдгорликларни тиклаш учун 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Арк

Арк (ёки шаҳар қўрғони) энг қадимиј археологик ёдгорликдир. У 16—20 метр баланд қилиб уюлган тепа устида жойлашган. Арк майдони 4,2 гектар келади. Планга қараганда Арк кўп бурчак шаклидаги иншоотдир. Бир вақтлар унинг тик кўтарилган девори блок билан ёппал-


сига мустаҳкамланган, бир оз вақт ўтгандан кейин деворга хом ғишт, кейинчалик пишиқ ғишт терилган. Қадимий девор қандай қурилганини усти бир оз очилиб қолган шимолий томондан яхшироқ кўриб олиш мумкин. Бу ерда ҳар хил ҳайвонларнинг суюклари, идиш-тобоқ синиқлари аралашган тупроқ қатламлари кўриниб ётиби.

Арк ҳар томондан қўргон билан ўраб олинган. Бу қўргон девори кейинги икки-уч асрларда қурилди. Девор кўп марта қайтадан қурилиб, ремонт қилинган. Аркнинг шимолий девори унча мустаҳкам эмас. Бу ерда кейинчалик ремонт қилинган ўнлаб жойни кўриш мумкин. Колхоз бозорига қараган шимолий деворда кейинги вақтларда емирилган жойлар кўриниб туради.

Араблар истилосига қадар Аркда шаҳар хокимлари — бухорхудотлар яшади. Сомонийлар даврида (IX—X асрлар) Арк қайтадан қурилди ҳамда девор ва мезаналар билан мустаҳкамланди (шимоли-ғарбий томондаги мезаннинг ўрни ҳозиргача сақланган).

Қораҳонийлар сулоласи даврида (XII аср) ва мўғуллар босқинчилиги вақтида (XIII аср) Арк бир неча марта вайрон қилинди. Арк XVI асрда Шайбонийлар сулоласи даврида ҳозирги қиёфасига кирди.

Арк дарвозаси эътиборга сазовордир. Архитектура жиҳатидан у устунсимон иккита мезанадан иборат. Уларнинг юқори қисми йўлак билан боғланган, устига айвонли бино қурилган. Бу ерда амирнинг машшоқлари ва шаҳар қоровули турган.




Тоқи Төлпакфурушон

Тоқи Заргарой





Лабиҳовуэ



Чор минор мадрасаси



Чор минор мадрасаси



Собиқ амир саройига кирадиган дарвоза

Зиндон



Аркка кираверишдаги йўл аста-аста баланд-га чиқадиган нишоб майдончадан, яъни пандусдан иборат бўлиб, усти ёпиқ узун йўлакдан Жума масжидга боради.

Арк деворига осиб қўйилган катта чарм қамчи амир ҳукмронлигининг нишонаси эди. Ривоятларга қараганда бу қамчи афсонавий паҳлавон Рустамники бўлган эмиш.

Йўлакнинг чап томонида сув ва қум сақланадиган хоналар (обхона ва регхона) бўлган. Бу биноларнинг бир қисми жиноятчиларни қамайдиган зиндан қилиб қайтадан қурилган. Бу ерда ўта кетган жиноятчиларни қамайдиган «канахона» ҳам бўлган.

Аркдаги барча бинолар XVII—XX асрларга, яъни Аштархонийлар ва Мангитлар сулолалига доирдир. Уша вақтда Арк шаҳар ҳокимлари, кейинчалик хонлар, амирлар, мансабдорлар ва қўшин бошлиқлари яшайдиган жой бўлиб қолди. XX аср бошларида Арк аҳолиси уч минг кишига етди.

...Жума масжиддан (1919 йил) бошлаб биринчи вазир (қушбеги) ҳовлиси олдидан ўтган тор кўчадан кичкинагина гумбазга — Чорсувга чиқиш мумкин, бу ерда саломхонага кирадиган дарвоза бор. Саломхонада амир ўз амалдорларини ва келган кишиларни қабул қилган. Чорсувнинг ўнг томонида амирнинг отхоналари бўлган, бу ердаги ахлатлар бандилар ётган зинданга (обхонага) оқиб тушган. Отхона ҳовлисида навкарлар ва машшоқлар яшайдиган нагорхона бўлган. Нагорхонанинг пастки қисмида сағана бор. Уни Аркни қурган Сиёвуш қабри дейдилар.

Чорсувнинг чап томонида тош ётқизилган кўринишхона деб аталадиган катта ҳовли жойлашган. Бу ерда элчиларни қабул қилиш ва амирларнинг тахтга кўтарилиш маросимлари ўтказилган. Ҳовли уч томондан ёғоч айвон билан ўраб олинган. Қираверишда нақшли пештоқ бор (1905 йил). Ҳовлининг шарқ томонидаги ёғоч соёбон тагида мармар тошдан ўйиб ясалган тахт туради.

Аркнинг бутун шарқий қисми вайрон бўлиб ётибди. Бу ер — археологик заповедник. Бу ерда икки бино тасодифан сақланиб қолган. Аркнинг шимолий қисмida бир вақтлар амир Насруллохон азоблаб ўлдирган ва қудуқса ташлаган 40 қиз тўғрисидаги ривоятга алоқадор Чил Духтарон жойлашган.

Жанубий томонда нима эканлиги номаълум бир бино сақланиб қолган. Арк майдонидан шаҳар ва яқин атроф манзаралари кўриниб турибди. Ҳозирги пайтда Аркда музей жойлашган.

Исмоил Сомоний мақбараси (IX—X асрлар)

Исмоил Сомоний мақбараси С. М. Киров номли маданият ва истироҳат паркида жойлашган. Бу бино куб шаклида бўлиб, ярим шарсимон қубба билан ёпилган. Бурчакларида тўртта кичкина қубба бор. Девори қалин (1,8 метргача бўлганлиги туфайли бу ёдгорлик минг йилдан бери яхши сақланиб келади.

Мақбаранинг тўрт томони бир хилда. Бундай бинолар архитектурада центрик компози-

ция деб аталади. Мақбаранинг юқори қисмида бинонинг бир томонидан иккинчи томонига ўтган қирқ дарчали галлерия бор. Бу галлерия ёдгорликнинг чиройини бир оз очади ва унинг вазмин гумбазини енгиллаштиради.

Мақбара квадрат шаклидаги пишиқ ғиштдан қурилган. Деворлари текис бўлиб, тўрт томонида биттадан равоқли эшиги бор. Барча эшикларга квадрат рамалар ўрнатилган, уларга (кейинги вақтларда) темир панжаралар қўйилган. Еғоч харига мақбаранинг қурилган вақти ва бошқа ёзувлар ёзилган, шарқ томони бинонинг олд томони ҳисобланади.

Мақбаранинг ташқи ва ички деворларига жимжимадор пишиқ ғиштдан қўрилган. Ўша вақтларда кошин бўлмагани учун бино шундай усул билан безатилган. Усталар квадрат шаклидаги ғиштларни ҳар хил усулда териб, деворни бадиий жиҳатдан жуда чиройлик қилиб безатгандар. Бу ўзига хос нақш мақбаранинг текис деворини жуда нафис қилган. Эртадан кечгача қуёш оғишган сари мақбаранинг ғишт безаклари ҳам ҳар хил тусга кириб товланади. Ой ёруғида айниқса чиройлик бўлади. Жаҳон архитектурасида бу усулда безатилган бирорта бошқа тарихий ёдгорлик йўқ. Шунинг учун ҳам мақбара жаҳон аҳамиятига эгадир. Баъзи бир олимларнинг фикрига қараганда бу безаклар ёғочдаги ўймакорликнинг, яъни шарқ мамлакатларида кенг миқёсда ишлатиладиган санъатнинг аксиdir.

Езма манбалар ва халқ ривоятларига қарангандা бу ёдгорлик сомонийлар сулоласи асосчиси — И smoил Сомонийнинг ўзи ҳаёт бўлганда отасининг қабри устига қурдирган. Кейин-

Чалик ўзи ҳам шу ерга дағын қилинган. Бу ёдгорлик 892 ва 907 йилларда қурилган деб таҳмин қилинади. 1927 йилда ўтказилган археологик қазиш вақтида пол тагида иккита ёғоч тобут топилган эди.

Сомонийлар сулоласи Балхдаги катта ер эгаларидан келиб чиқди. Бу сулола ҳукмронлик қилган даврда истилочи араблар ҳокимияти ўтмиш шарпасидек бўлиб қолди ва аслида Бухоро бутун Осиёнинг пойтахти ва йирик маданий маркази эди. Сомонийлар фанларга, санъатга ва поэзияга ҳомийлик қилдилар. Уларнинг саройида шоирлар, ёзувчилар ва олимлар яшади.

Исмоил Сомоний мақбараси услуби ва конструкцияси жиҳатидан ўз замонасининг манфатлари ва руҳини акс эттиради. 1920 йилгача мақбара ташландик ҳолда бўлиб, маҳаллий мусулмон руҳонийлари бу ёдгорликдан фойдаландилар. Атрофда бойларнинг қабрлари кўпайиб кетиб, мақбара учдан бир қисмигача кўмилиб қолди, қуббаси емирила бошлади. Шимолий томонда ёғочдан қурилган масжид бор эди. Руҳонийлар қолоқ аҳолига гўё Исмоил ҳали ҳам ҳаёт бўлиб мусулмонларга ёрдам беради, дер эдилар. Улар мақбара ичидаги сағананинг икки томонини тешдилар. Руҳонийлар тешикнинг бирига саволлар ва илтимослар ёзилган хатлар қўяр, иккинчи томондаги тешикдан ўзлари тўқиган «жавоблар» ни олардилар.

1934 йилда бу ёдгорлик тикланди, атрофдаги қабрлардан тозаланди. Мақбара атрофига ғиштдан майдонча қурилди. Ҳозир бу ерга экс-

курсиячилар келиб туради. Бу ёдгорликни Ватанимиздан ташқари жойларда ҳам яхши биладилар.

Чашмаи Айюб мақбараси (XII аср)

Чашмаи Айюб мақбарасининг атрофи ҳозирги кунда С. М. Киров номли маданият ва истироҳат паркига айлантирилган. Бу ёдгорлик фарбдан шарқ томонга ёнма-ён жойлашган тўрт бурчакли мураккаб тўртта бинодан иборат. Бу бинолар ҳар хил замонларда қурилди. Бинонинг энг қадимийси баланд гумбаз билан қопланган. Ривоятларга қараганда иморатнинг бу қисмини Арслонхон Минораи Калон билан бир вақтда қурдирган. Мозор ичидаги совуқ сувли қудуқ ҳозиргача сақланиб қолган. Халқ афсонаси бу ёдгорликни тавротда ёзилган Айюб пайғамбар номи билан боғлайди. Афсонада ҳикоя қилинишича, Бухоро шаҳри ҳали қурилмаган бир замонларда бу ерга тавротда тилга олинган Айюб пайғамбар келган эмиш. Уша йили қурғоқчилик бўлиб, сувга ташна аҳоли қирила бошлаган, бу «авлиёдан» ёрдам сўраганлар. Айюб хассасини ерга санчганида бирданига булоқ суви отилиб чиққан эмиш. Шунинг учун ҳам бу ёдгорлик «Чашмаи Айюб» деб аталган эмиш.

Эҳтимол маҳаллий аҳоли узоқ ўтмишдан бери бу сувдан фойдаланган, чашма эса шифоли манба бўлгандир. Манба аслида «кожизлар чашмаси» деб аталган, чунки «айюб» деган

сўз тожикча «маъюб» (майиб) сўзидан келиб чиққан дейиш мумкин. Бу эса ожиз деган сўздир. Кейинчалик чашмани эгаллаб олган муллалар ва эшонлар бу афсонани тўқиганлар ва чашманинг номини ўзгартирганлар. Бундай фактлар қадимий Юнон ва Рим тарихида ҳам маълум.

Едгорлик чуқур жарда, бир вақтлар катта булоқ суви оқиб ётган жойда турибди. Бу булоқ мозордаги қудуқ билан боғланган.

Қадимий (тарбий) бино ёнига XIV асрда яна иккита бино қурилган. Қадимий бинонинг эшиги теппасига осиб қўйилган гулдор кошинга бу бинони Темурнинг ўзи қурдирди, деб ёзилган. XVI асрнинг иккинчи ярмида бинонинг пастак пештоқдан иборат икки қуббали қисми қурилган.

Тўрт бинонинг ҳар қайсисида бир-бирига ўхшамаган қуббалар бор. Шимол ёки жануб томондан қараганда уларнинг ташқи кўришилари оригинал ва ўзига хосdir.

Хозирги вақтда экскурсияга келган кишиларга қулайлик учун мозор атрофида асфальт ётқизилиб йўл қурилган.

Маҳоки аттори масжиди (XII аср)

Маҳоки Аттори масжиди шаҳар марказидаги М. В. Фрунзе номли скверда (ёзги кино олдида) жойлашган. Бу масжид илгари атторлар растаси бўлган жойда қурилгани учун шундай деб аталган. Масжид қарийб 6 метр чуқурлигда ер остига кириб кетган, аслида эса кўп аср-

лардан бери шаҳардаги тупроқ қатлами ошиб боргани учун масжид кўмила борган.

Х аср тарихчиси Норшоҳий бир вақтлар бу жойда оташпастлар ибодатхонаси ўрнига қурилган Мөҳ масжиди бор эди, деб ҳикоя қилиди. Бу ерда ўрмон бўлган, дарё оқиб ўтган. Дараҳтлар соясида йилига икки марта бозор очилиб, ёғочдан ва лойдан ясалган бутлар сотилган.

Бу бино ўрнида будда монастри (будда роҳиблари яшаган жой), кейинчалик оташпастлар ибодатхонаси бўлиб, правардида мусулмонлар масжидига айлантирилган бўлиши эҳтимолдир.

1934 — 1935 йилларда бу масжидда В. А. Шишкун археологик қазишлиар ўтказиб, беш қават пол бўлганини аниқлади. Шундай қилиб Маҳоки Аттори масжиди ўрнида илгари мажусийлар ибодатхоналари бўлганига шубҳа қолмайди.

Маҳоки Аттори масжиди олтида тош устин устига қурилган ёпиқ масжидлардан бири. Бу масжид М. В. Фрунзе номли сквер томонидаги жанубий пештоқ архитектуранинг ноёб асари ҳисобланади. Пештоқ ва тахмонсимон эшиги ҳар хил усуллар билан, чунончи ўймакор ганч, сайқал берилган фишт, кошин, ўйиб нақшланган сопол фишталар билан безатилган.

Шарқий эшиги томонида бино ичининг кўп қисми масжид полига тушадиган кенг тош зинадан иборат. Бу зина масжид ичкарисига кириш учунгина эмас, балки ибодат қиласиган жой бўлиб ҳам хизмат қиласиган. Бу зина жанубий пештоқ қурилиб тамом бўлгандан кейин қурилган.

Номозгоҳ масжиди (XII, XIV, XVI асрлар)

Шаҳарнинг жанубий томонида Номозгоҳ масжиди жойлашган. Номининг ўзи бу бинонинг ибодат қиласиган жой бўлганини кўрсатиб туриди. Бу бино катта байрамларда шаҳар масжидларига сифмай қолган кишиларга мўлжалланган оддий бир масжид бўлган.

Бухоро Номозгоҳи эса йўлак шаклида қурилиб, гумбази ҳам бор (XVI аср). Гумбаз ёнига нақшинкор пештоқ қурилган. Фарбий томонда бинонинг ҳашаматли қисми миҳробли қадимий деворга тақалган.

Миҳроб ўйиб безатилган нозик сопол фиштлар ва майда фишт парчалари билан безатилган. Булардан ташқари деворнинг юқори қисмida зангор, кўк ва оқ сир билан арабча хат ёзилган горизонтал кошинлар бор (XIV аср).

Ҳозирги Номозгоҳ масжиди ўрнида бир вақтлар ажойиб боғ, иморат ва ҳайвонот боғи бўлган ва Шамсиобод деб аталган. Бу жойни тарихчи Норшоҳий тасвирлаб ўтади.

Масжиди Калондаги минора (1127 йил)

Минораи Калон ёки Катта Бухоро минораси Қорахонийлардан Арслонхон ҳукмронлик қиласиган даврда қурилган ва унинг номи билан аталган. Бу минора Урта Осиёдаги энг баланд иншоот (46,5 метр) бўлиб, 1127 йилда қурилган, унинг ярмидаги кошинларига ёзилган ва қисман сақланиб қолган.

Минора бақувват ганч қоришимаси билан пишиқ фиштдан терилган катта устундан иборат,

ичи эса кавак бўлиб, айланма зинапояси бор (104 зина), юқори томони сал ингичкароқ, устида цилиндр шаклидаги фонарь — гумбазида пештоқсимон 16 та дарчаси бор.

Минора аzon айтиб, мусулмонларни ибодатга чақирадиган жой бўлган. Кун сайин ва айниқса жума кунлари 4 муаззин Масжиди Калон томидаги тош куприкчадан ўтиб минорага чиқар ва аzon айтар эди. Кейин шаҳардаги 200 дан ошиқ бошқа масжид минораларидағи сўфилар аzon айтиб, халқни ибодатга чақирган.

Шунингдек, минора душманни кузатадиган жой бўлган. Миноранинг қоровулхонаси ҳали ҳам бор.

Минора савдо карвонларига маяк бўлиб хизмат қилган, деган фикрлар ҳам бор.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларни минорадан туриб пастдаги тош майдончага ташлагаллар. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда уни «ўлим минораси» деб атаганлар.

Бухоро шаҳрининг ташқи манзарасида бу миноранинг бадиий безалиши жиҳатдан аҳамияти катта. У барча бинолардан баланд ва Бухоронинг асосий нишонаси бўлиб ҳисобланади. Унинг нақшинкор ғишт деворида халқ орнаменти акс этган. Бу безакларда Сомоний мақбарасидаги безакларга ўхшаган ўзига хос бир услуб ёрқин ифода қилинган. Аммо иккичи томондан олганда Қораҳонийлар давридаги услуб Сомонийлар давридаги услубдан фарқ қиласди. Бунда нақшларнинг қадимилиги ва гўзаллиги ҳамда унинг ўзига хос текис-

лиги ва рельефнинг мўлжалланганлиги билинмай қолган.

Минора қурилганига 800 йилдан ошди. Минора тўғрисида ҳар хил афсоналар тўқилган. Бу афсоналарнинг бирида шундай деб ҳикоя қилинади. Минорани қурган уста туя сутида ганч қориштириб, пойдеворга ғишт териб та момлагандан кейин ғойиб бўлиб, икки йилгача кўринмаган. Ганч қоришмаси мустаҳкам қотиб қолгандан кейингина у Бухорода пайдо бўлган. Яна бир афсонага қараганда минорани қурган уста минора баландлигига тенг келадиган масофадаги бир хусусий уйга ўзини дағи этишни васият қилган. Бундай бир қабрни экскурсияга келган кишиларга ҳали ҳам кўрсатадилар.

1920 йилдан кейин минора қисман тикланди. Фонарь атрофидаги белбоғи XVI асрда ишланган кошинлардан иборат эди. Эски нақшинкор сўзлар ёзилган қисми XII асрда ясалган оч мовий тусдаги кошинлардан иборат бўлиб, Бухоро музейининг Моҳи Хосса филиалида сақланмоқда.

Миноранинг пойдевори устида уйилиб ётган тупроқ ҳозирги вақтда тозаланди. Пойдеворнинг чуқурлиги 10 метрдан ошиқдир.

Минорнинг пастки қисми ремонт қилинди. У ўн бурчак шаклида бўлиб, устига минора қурилгандир.

Сайфуддин Баҳорзий мақбараси (XIII аср)

Шаҳарнинг шарқий қисмида, вокзалга яқин жойда икки мақбара, яъни Сайфуддин Баҳорзий ва Буён Қулихон мақбаралари бор.

Сайфуддин Баҳорзий мақбараси XIII асрда яшаган ва 1262 йилда вафот этган шайх ва дин ақидалари тўғрисида асарлар ёзган бир кишининг номи билан боғлиқдир.

Бу ёдгорлик икки бинодан, яъни зиёратхона ва мақбарадан иборат бўлиб, шарқий томонида анча кейин қурилган катта пештоқ мақбара га тақалади. Икки томонда иккита катта мезана (гулдаста), уларнинг ичида томга чиқадиган йўллар бор.

Илгари иккинчи хонада бадиий ўймакорлик ва сирли безакнинг ноёб намунаси бўлган ёғоч сафана бор эди (XIII аср).

Мақбаранинг ичи баланд миноралар гумбазидаги дарчалардан ёруғ киради.

Бинонинг ёрилган жойлари бор. Ҳозирги вақтда бино ва гумбаз темир синч билан мустаҳкамланган.

Буён Қулихон мақбараси (XIV аср)

Бу мақбара юқорида тасвир қилинган ёдгорлик билан ёнма-ён турибди. Мақбара 1358 йилда Самарқандда ўлдирилган мўғул хони чингизилардан Буён Қулихон қабри устига қурилган.

Мақбара катта ва кичик хонага бўлинган. Кичик хонада сирланган гулдор сафана бўлган, катта хона пастак гумбаз билан қопланган. Мақбаранинг тўрт томонида нақшинкор устунлар бор. Девор ичидан қоронғи ва тор йўлак ўтади. Мақбаранинг ички ва ташқи томони рангба-ранг сир билан безатилган. Бу ерда зангор, кўк, бинафша ранг ва оқ буёқлар ишлатилган. Сирлар жуда ҳам тоза ва нозик

тусда. Мақбара геометрик фигуранлар, ұсимвік новдалари, нақшинкор сўзлар ва бошқалардан иборат.

Уша замонда пештоқ ҳам қурилған, аммо у бинодан алоҳида бўлған. Мақбара пештоқи ҳам кошин билан яхши безатилған. Уларнинг рангба-ранг безакларига қойил қолиб, узоқ вақт тикилиб туриш мумкин. Бу ёдгорликдаги сирлар ва сопол устидаги ўймакорлик ўзининг тозалиги ва нағислиги жиҳатидан Самарқанддаги Шоҳи Зинда мақбарасидаги сир ва ўймакорликдан афзал деган фикрлар бор (В. А. Шишкін).

1926 йилда мақбара тамомила тикланди. Яқинда мақбара баланд супа устига қурилганлити аниқланди.

Улуғбек мадрасаси (1417 йил)

Бу бино Темурнинг набираси мунажжим Улуғбек қурдирған уч мадрасанинг энг қадимисидир.

Бу бино тўғри бурчак шаклида бўлиб, ҳовлиси бор, безатилған баланд пештоқли олд эшик қурилған. Эшик кўндаланг йўлак (миёнхона) билан икки қисмга бўлинади. Йўлакнинг бир томонида дарсхона, иккинчи томонида масжид бор. Эшик тепасидаги иккинчи қаватда кутубхона бўлған.

Мадрасанинг олд томони йўлак шаклида икки қават кетма-кет қурилған пештоқлардан иборат. Икки томонида икки минора (гулдаста) бор.

Мадрасани исфионли уста Исмоил Тоҳир ўғли қурған. 1585 йилда бу бино тикланди. Ке-

Йиңги йилларда тез-тез реставрация қилиниб турилган. Унинг безакларида кўпгина замонларнинг таъсирини пайқаб олиш мумкин. Миёнхона шипидаги чилчироғ осиладиган жойда ва ҳовлининг шимол томондаги пештоқларида энг қадимий безак нусхалари бор. Бинонинг шарқий ва ғарбий томонларида бирмунча кейинги замонларнинг нақшлари ва бинонинг олди томонида энг кейинги нақш нусхалари ни учратиш мумкин. Шимол томондаги айвон устунларида зарҳал кўриниб турибди. Бу устунлар Масжиди Қалон устунларига (ғарбий пештоғида) ўхшайди. Тесмурилар анъанаси XV асрнинг бу иккала ёдгорлигига ҳам хосдир. Нақшнинг таркибий қисмида юлдузсимон элементлар кўпчиликни ташкил этади. Буни эса мунажжим бўлган Улуғбекнинг дунёқарашига боғлаш мумкин. Эшик табақаларига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон ва муслиманинг бурчидир» деган сўзлари ўйиб ёзилган.

Мадраса ўз чироий ва нақшларининг жуда гўзаллиги билан кишиларни ҳайратда қолдиди. Бу бина — Ўрта Осиё меморлиги равнақининг кўрсатадиган ёдгорлик бўлиб, Ўрта Осиёда шунга ўхшатиб бошқа мадрасалар қурила бошлади.

Масжиди Қалон (1514 йил)

Масжиди Қалон жоми масжиди бўлиб, Самарқанддаги Биби Хоним масжидидан кейин катталиги жиҳатидан Ўрта Осиёда иккинчи ўринда туради. У эски XII аср масжиди ўрнига қурилган. Ҳовлида қазилган чуқурлар бу

ёрда қадимий пол қатламлари борлигини кўрсатиб турибди. Масжид XV асрда қурила бошлаб, XVI аср бошларида (1514 йилда) тамом бўлган. Масжиди Қалон бадиий безаклари билан Темурйлар даврининг анъаналарини эслатади ва Улуғбек мадрасасидаги нақшларга ўхшайди.

Масжид ўзининг тўғри бурчакли ҳовлиси билан очиқ типдаги масжидлардан бири ҳисобланади. Асосий бинонинг ғарбий девори тақалган нақшинкор меҳроб, ўймакор баланд пештоқ ва ички гумбаз бор. Гумбаз тепасида баланд ташқи гумбаз қурилган. Ташқи гумбаз шаҳардаги барча бинолардан баланд бўлиб, мовий осмонда қад кўтариб турибди.

Масжиди Қалоннинг етти эшиги бор. Асосий шарқий эшигининг ташқи ва ички томонлари айвонлар билан безатилган. Олд эшиги пештоқ безакларда Византия салбининг элементлари кўриниб турибди.

Масжиднинг умумий майдони бир гектар келади (127×78 метр). Ҳовлининг йўлаги 208 устун тепасига қурилган 288 қубба билан қопланган. Масжидга 10 000 га яқин киши сифади. Номозхонлар ҳовлидаги йўлакда ва томга чиқиб номоз ўқиганлар.

Мир Араб мадрасаси (1530 йил)

Шаҳарнинг марказий қисмида иккита катта гумбаз қад кўтариб турибди. Шимолий томондаги гумбаз тикланган (ярми мовий кошин билан қопланган), жанубий гумбаз эса безатилмаган. Мадраса Минори Қалон ва Мас-

жиди Қалон билан бирга бутун бир архитектура ёдгорлиги ансамбли бўлиб, шаҳарнинг энг ҳашаматли ва бадиий қисмини ташкил этади. («Бухоронинг марказ жойи»).

Мадрасага киргач ҳашаматли пештоқ қўринади (ҳозир пештоқ ҳавоза ичидা). Мадрасанинг плани, яъни ички иморатларни жойлаштириш системаси худди Улуғбек мадрасасидагидек. Бу ерда фақат дарсхона ўрнида мақбара бор. Бу мақбарага Мир Араб лақабли (ёдгорлик унинг номи билан аталган) яманлик шайх Абдулла ва қариндошлари дафн қилинган. Мақбара рангбаранг кошин билан, деворлари ва шипдаги чилчироф осиладиган жойи ўймакор ганч билан безатилган. Мақбаралар орасида Мир Арабнинг шогирди, ўз устозининг жануб томонида дафн этилган Үбайдуллахоннинг (шайбонилардан) сағанаси бошқалардан ажралиб турибди.

Мадраса ҳовлиси ҳар томондан икки қаватли ҳужралар билан ўраб олинган. Тўртта пештоқ ҳужраларни ажратиб турибди. Бир вақтлар пештоқлар жуда баланд бўлган. Конструкцияси жиҳатидан қизиқарли нақшинкор жанубий пештоқ ўзининг дастлабки қиёфасини сақлаб қолган. Бу нақшларнинг таркибий қисмида юлдузсимон безаклар учрайди. Нақшларнинг бундай мазмунни Мир Араб мадрасасини Улуғбек мадрасасига яқин қилиб қўяди. Ҳолубки Мир Араб мадрасаси Улуғбек мадрасасига қараганда ошиғи билан бир аср ўтгандан кейин қурилган.

Ҳозирги вақтда бу бинода диний мадраса жойлашган.

Кўкаaldoш мадрасаси (1578 йил)

Кўкаaldoш мадрасаси лабиҳовуз майдонида жойлашган биноларнинг биридир. Бу ёдгорлик Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда қурилган (1557—1598 йиллар). У Ўрта Осиёдаги энг катта мадрасаларнинг бири ҳисобланади. Мадрасанинг 160 ҳужраси бор.

Миёнхонанинг сернақш қуббалари ўз конструкцияси билан ҳаммани қизиқтиради. Улар ганчдан хилма-хил қилиб қўйилган пештоқлардан йиғилган. Ҳовлидаги шимолий пештоқ қошин билан безатилган. Бу кўк, яшил ва оқ нақшинкор безаклар ўсимликларни тасвирлайди. Пештоқ ўзининг аввалги шаклини деярли бутунлай йўқотган ва шунинг учун темир билан тирагиб мустаҳкамлаб қўйилган. Мадрасанинг эшиги алоҳида эътиборга сазовордир. Эшик табақалари ёғоч парчаларидан йиғилган ва темир билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ёғоч парчалари нозик ва майда ўймакорлик билан қопланган. Эшик безаклари, кишини ажаблантирадиган, геометрик шакллардан иборат.

Мадраса ўз композицияси жиҳатидан катта эътиборга сазовордир. Аслида бошқа мадрасаларнинг ташқи деворлари текис бўлса ҳам, бу мадрасанинг деворларида айвончали болохоналар бўлиб, улар безатилган. Айвончалар қуришдан мақсад мадраса атрофига очиқ майдон қолдириш эди. Аммо орадан кўп ўтмай мадраса бошқа иморатлар ўртасида қолиб кетди ва бинодаги ташқи гўзалликнинг аҳамияти қолмади.



Чашмаи Айюб мозори

Махоки Аттори масжиди





Абдулазизхон мадрасаси

Мир Араб Мадрасаси



Мадраса ремонт қилингандан кейин атрофи очилди ва бокчага айлантирилди. Ҳозирги вақтда бу бинога область архиви жойлашган. Бир вақтлар бу мадрасада атоқли ёзувчи Садриддин Айни яшаган ва ўқиган эди.

Қўш мадраса (1566—1588 йиллар)

Шаҳарнинг ғарбий қисмидаги С. М. Киров номли парк дарвозасининг чап томонида иккита катта мадраса жойлашган. Бу мадрасалар ўртасидан Шергарон дарвозаси томонига Свердлов кўчаси ўтади. Бу архитектура комплекси Бухородаги ҳашаматли бинолардан-дир. Бу мадрасалар Улуғбек мадрасасидек бўлмай, қатъий бир услубда ва деярли бир вақтда қурилган. Шарқий томондаги Модориҳон мадрасаси ғарбий томондаги Абдуллахон мадрасасига нисбатан атиги 22 йил илгари қурилиб тамомланган. Шундай қилиб, иккала ёдгорлик ҳам Кўкалдош сингари ҳашаматли бинолар бунёдга келган Абдуллахон даврига тааллуқлидир.

Бухоро хонлиги экономикасининг ривожланган даврида кўпгина бинолар қурилди. Бухоронинг Москва давлати билан алоқаси кучайди. Аммо қурилиш ишлари кенгайиб кетса ҳам, иш сифати анча пасайди. Бинолар учун ишлатиладиган гулдор кошинларнинг рангги айниди. Қурилаётган деворлар ичига тош тўлдира бошлидилар. Шунинг учун бино устига қопланган кошинлар яхши ёпишиб тур-

май, күчиб кетди, деворлар қийшайиб қолди, миноралар тез емирилди.

Модарихон мадрасасининг ҳажми кичкинароқ, безаклари оддийроқdir. Абдуллахон мадрасаси ва айниқса сал қийшайган баланд олд пештоқи Модарихон мадрасасига нисбатан серхашамдир. Farбий томондаги мадраса орқасида ёпиқ ҳовли ва ички йўлак бор. Бухородаги бирорта бошқа мадрасада бундай ҳовли йўқ. Унинг эшик табақалари Кўкалдош эшигига ўхшатиб ёғоч парчаларидан ясалган.

Хозирги вақтда бу мадрасалар капитал ремонт қилинмоқда.

Бозор (XV аср) тоқилари

Шайбонийлар сулоласи идора қилган даврда Бухоро шаҳрида қурилиш ишлари кучайди, шаҳар савдосига алоқадор бинолар ҳам қурила бошлади. Уша вақтда бозор тоқилари ёки чорсилар қурилди.

Тоқилар энг серқатнов кўчаларда қурилиб, савдо-сотиқ жойи бўлиб хизмат қилдилар. Улар кўча қатновини осонлаштирди ва аҳоли учун салқин-соя жой бўлиб хизмат қилди. Барча тоқилар (ҳаммаси бешта эди) Шаҳристоннинг Лабиҳовуз майдонидан Регистон майдонигача ўтган асосий савдо кўчасида жойлашган.

Тоқи Саррофон гумбазида ҳинд саррофлари (бир давлатнинг пулинин иккинчи давлат пулига алмаштирувчи кишилар) ўтирган ва шунинг учун бу жой Тоқи Саррофон деб аталган. Тоқи Телпакфурушонда дўппи сотувчилар бўл-

ған. Йлгари эса бу жой Қитобфурӯшон деб аталган, чунки китоблар сотилган. Бу гумбазда беш кўчага ўтар жой бор, чунки у беш кўча қўшилган жойда қурилган. Тоқизаргаронда заргарлар ҳар хил зеби-зийнат буюмлари ясанганлар ва сотганлар. Бир вақтлар бу жой қадимий Шаҳристоннинг маркази бўлган.

Тоқиларнинг ҳаммаси ўзига хос конструкциялари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Уларнинг биринчиси бир-бирини кесиб ўтган ва боғлаган равоқлардан, иккинчиси олти бурчакли девордан иборат бўлиб, устига гумбаз қурилган, гумбазда дарча ўринлари бор, учинчиси саккиз бурчакли девордан иборат бўлиб, 16 та равоқли дарчаси бор.

Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларидаги (Эрон, Туркия) бирорта шаҳарда бунчалик ҳашаматли архитектура иншоотлари йўқ.

Лабиҳовуз (XVII аср)

Қадимий Бухорода савдо майдонлари кўп эди. Уларнинг бири, яъни Лабиҳовуз ҳозиргacha сақланиб қолган.

Майдон ўртасида 1620 йилда қурилган жуда катта ҳовуз бор. Шу сабабли бу жой Лабиҳовуз деб аталган.

Майдоннинг тўрт томонида ҳашаматли архитектура иншоотлари қурилган. Фарбий томонида Девонбеги ҳонақоҳи (Лабиҳовуз масжиди), шарқ томонида Девонбеги мадрасаси ва шимолий томонида иккита мадраса, яъни Кўкалдош (1578 йил) ва Эрназар Элчи мадрасалари бор. Эрназар Элчи мадрасасини Бухоро

амириининг подшо Екатерина II саройидаги элчиси Эрназар қурдирган. Элчи Эрназар бу мадрасани Бухоро билан савдо қилишдан манфаатдор Екатерина II берган маблағ ҳисобига қурдирган.

XVII асрнинг йигирманчи йилларида деярли айнан бир вақтда, Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб турган даврда қурилган, Девонбеги хонақоҳи ва Девонбеги мадрасаси айниқса сернақш ва серҳашамдир. Уша даврда Лабиҳовуз майдони архитектура жиҳатидан безатилиб тамом бўлган эди. Бу ердан шаҳардаги бешта тоқининг ҳаммасидан ўтадиган узун савдо кўчаси бошланарди.

Девонбеги хонақоҳининг олд томони Лабиҳовуз сувида ойнакдагидек акс этиб турибди. Шунинг учун бу ёдгорликни Лабиҳовуз деб ҳам атайдилар. Кейинги вақтда ҳовуз тикланиб, ичига сув тўлдирилди.

Шарқ томондаги масжид рўпарасида қурилган Нодир Девонбеги мадрасаси (1622 йил) даставвал карвонсарой сифатида қурила бошлигани, кейин қурилиш давомида мадрасага айлантирилган. Шунинг учун ҳам унинг плани оддий мадрасалар планига ўхшамайди: масжиди ва номоз ўқиладиган жойи йўқ. Мадрасанинг пештоқи жуда ҳам ҳашаматли. Олд томонидаги, шунингдек иккинчи қаватнинг ўнг томонидаги қатор-қатор пештоқларда афсонавий семруғ қуши ва буғу суратлари бор.

Ҳозирги вақтда Лабиҳовуз майдонига асфальт ётқизилди, гулпушталар билан безатилиди ва меҳнаткашларнинг дам оладиган жойи бўлиб қолди.

Абдулазизхон мадрасаси (1652 йил)

Абдулазизхон мадрасаси бадий жиҳатдан бой безалғанлиги ва аҳамияти жиҳатидан Үрта Осиё архитектурасида алоҳида ўрин олади.

Бу бино Улуғбек мадрасаси рўпарасида қурилиб, уларнинг иккаласи бутун бир архитектура ёдгорлигини ташкил этади. Бу ёдгорлик 1417 йилда ва 1652 йилда қурилган, яъни Абдулазизхон мадрасаси Улуғбек мадрасасига қараганда ошиғи билан икки аср кейин қурилган. Лекин улар ўз нафис архитектураси ва безатилишлари жиҳатидан гўё бир-бирига ракобат қилаётгандек кўринади. Агар Улуғбек мадрасаси ўз нақшларининг бир-бирига мослиги, жиддийлиги, шунингдек камтарлиги билан бошқалардан фарқ қилиб турса, Абдулазизхон мадрасасида бу мосликдан асар ҳам йўқ, унинг безаклари йирик, дабдабали, серхашамдир. Темурийлар давридаги дид бир жил бўлса, Аштархонийлар даврида яна бошқача дид бўлган.

Абдулазизхон мадрасасининг пештоқи ўз баландлиги ва ташқи нақшларининг бойлиги билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Улуғбек мадрасасининг айвонида аста-аста пасайиб борган учта пештоқ бўлса, Абдулазизхон мадрасасининг айвони хилма-хил нақшлар ва осма сталактитлар билан безатилган. Абдулазизхон мадрасаси деворларига қуръон суралари эмас, балки замонавий шоирларнинг шеърлари ёзилган.

Абдулазизхон мадрасасида оддий геометрик, юлдузсимон ва ўсимликларни тасвиirlай-

дитан безаклар ўрнига анча мураккаб ва хилма-хил нақшлар кўзга ташланади. Бу ерда хитой аждари ва семруғ қушининг сурати бор. Ранба-ранг сирлар орасида сариқ рангли кошинлар кўринади. Ҳовли ва бинода бадиий бе затишнинг ҳамма турларини, чунончи ўймакорлик сирли ва бўртма кошинларни, ўйиб безатилган мармар, ганч ва зарҳал («кундал») устидан сирланган сувоқни кўриш мумкин.

Мадрасада икки масжид бор. Ёзги масжид ҳовлида, қишки масжид дарвоза йўлагининг фарбий бурчагидадир. Иккала масжиднинг ҳам деворлари ва шиплари жуда серҳашам безатилган. Дарсхонадаги оқ девор устига кўк ранг билан чизилган жанрли суратлар алоҳида эътиборга сазовордир. Бу суратларда Ҳиндистон ва Хитой архитектурасини эслатадиган дарахт ва шийпон манзараларини кўрасиз. Суратлар ўша мамлакатларнинг бевосита таъсиридан дарак бериб турибди. Бухоро бу мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқа боғлаган. Ёдгорликни безатиш ишлари чала қолган, чунки Абдулазизхон сафарга жўнагандан кейин Бухорода ғалаён бошланиб, хон тахтидан туширилган.

Мадраса халқ устаси Ширин Муродов қатнашуви билан тамомила тикланди (1930 йил).

Чор минор (1807 йил)

Чор Минор мадрасаси бошқача қилиб айтганда халифа Ниёзқул мадрасаси деб ҳам аталади. Бу ёдгорлик кейинги вақтларда, яъни XIX аср бошларида (1807 йилда) қурилди ва

шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонида, Сталин кўчасида жойлашган.

Бу ёдгорлик архитектура комплексидан, чунончи айвонсимон масжид, бир қаватли мадраса, ҳовуз (ҳозир кўмилган) ва ажойиб олд дарвозасидан иборат. Бу дарвоза зангор ва кўк кошинлар билан безатилган тўртта баланд мезанали қубба шаклида қурилган. Мезаналар бутун ёдгорликка ҳусн қўшиб турибди. Улар минорага ўхшайдилар ва шунинг учун ҳам мадраса Чор Минор деб аталған. Аслида эса бу мезаналар минора бўлмай, фақат бинонинг бадиий безагидир. Улар Ҳиндистон масжидлари архитектурасининг таъсирини қўрсатиб турибди.

Болоҳовуз масжиди (1712, 1917 йиллар)

Болоҳовуз масжиди XVIII аср бошларида қурилган. У Арк қаршисида жойлашган. Масжиднинг ҳужралари ва 20 та баланд ёғоч устунли ҳашаматли айвони бор (1917 йил). Бир вақтлар масжид шаҳарнинг жума масжиди бўлган ва амир Бухорога қелган вақтларида шу масжидга кириб ибодат қилган. Амир келганда Аркдан масжидгача қимматбаҳоли гиламлар тўшалган. Шунинг учун ҳам масжиднинг айвони ва айниқса шипдаги чилчироғ осиладиган жойлари айниқса серҳашам қилиб безатилган. Шундан икки йил кейин Аркда қурилган Жума масжидни бадиий жиҳатдан ишлаган усталар бу масжидни ҳам безатганлар.

Болоҳовуз масжидининг катта очиқ айвони, майдоннинг бир томонидаги ихчамгина мино-

ри, шунингдек майдон ўртасидаги чуқур ҳовуз яхши таассурот қолдиради. Агар Регистон томонидан қаралса, бу ёдгорлик айниқса чиройлик бўлиб кўринади.

Зиндан (XVIII аср)

Манғитлар сулоласи ҳокимиятни қўлга олгандан кейин аҳолини эксплуатация қилиш кучайди, катта шаҳарларда зинданлар қурила бошланди. XVIII аср охиrlарида Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий бурчагидаги тепаликда (Коҳзоз кўчасида) Бухоро зиндани қурилди. Бу зиндан биноси кўримсиз бўлиб, ҳар томондан баланд ғишт девор билан ўраб олинган. Шимолий томондаги пойдеворида тошларни кўриш мумкин. Эҳтимол улар Шаҳристон қадимий истеҳкомларининг қолдиқлари бўлса керак.

Ғарбий девордаги пастак пештоқ зиндан дарвозасини ўраб олган. Кичкинагина ҳовлидаги икки томонли тош бинога кирилганда, унинг ўнг қанотида қарзини узолмаган кишиларни қамайдиган хона бўлган. У билан ёнмаён ер остида учта катта хона бор. Уларнинг иккитаси кенг эшик билан бирлашган. Бу хоналарга гумбаздаги темир панжарали дарчалар орқали ёруғ киради. Кираверишдаги эшикка темир қоқилган, шунинг учун бу бинонинг ичига киришда фақат энгашиб ўтиш мумкин.

Кишанланган маҳбуслар бу ерда азоблаарди. Бинонинг чап қанотида жойлашган тўртинчи хона оғир таассурот қолдиради. Бино қоровулхона орқасига беш метрли қудуқ шак-



Қадимий шаҳар
дарвозаси Толипач






Арк



Исмоил Сомоний
мақбараси



Калон масжидининг ҳовлиси



Эски Бухоронинг умум



Бухородаги эски
нўчалардан бири

лида қурилган. Ер устидаги қисми дарчали қубба билан қолланган, полдаги катта тешик чуқурга кирадиган эшик бўлиб хизмат қилган. Бу тешикдан арқонга боғлаб бандиларга овқат туширганлар. Бандилар бў ерда тириклай дафн этилар эди.

Зиндан ҳовлисида маҳбуслар пири бўлган авлиёнинг қабри ва зиндан биносининг шарқий ва шимолий томонларидан ўтадиган баланд ва тор йўлак бор.

Хозирги вақтда зиндан ичида Бухоро ўлкашунослик музейининг экспонатлари қўйилган. Бандиларга ўхшатиб ҳар хил шаклда кийинтириб қўйилган маникенлар бу қоронғи амир зиндонининг илгари қандай бўлганини кўрсатиб туради.

Ситораи Моҳи Хосса саройи

Шаҳардан тўрт километр нари, шимол томонда энг охирги амир Саид Олимхонга қарашли сарой бор (1911—1920).

Бу сарой «г» ҳарфи шаклидаги бир қаватли бинодир. Ўртасида фонтанли ҳовли бор. Ташқи дерворлари ганчдан ясалган буртма нақшлар билан безатилган, том четида нақшинкор гулдонлар билан безатилган кунгирали панжара қурилган.

Саройнинг ички хоналари орасида рангаранг ойнали хона, деворлари икки ёққа сурнладиган ошхона, вазирларни қабул қиладиган тухумга қорилган ранглар билан безатилган хона (халқ устаси Ҳасанжон безатган) ва де-

ворларидаги кўзгу сиртига ганчдан қилинган нақшлари билан ажралиб турган оқ зал (халқ устаси Уста Ширин Муродов ижоди), бошқа хоналардан айниқса ажралиб турадилар.

Моҳи Хосса саройи ўз бадиий аҳамияти жиҳатидан Ўрта Осиё санъатининг таназзулга учраган даврига тааллуқлидир. Саройнинг барча икр-чикирларида кейинги вақтларда европаликларга хос дид-фаросад таъсир этганини акс этиб турибди. Амир саройни безатиришда Европа техникасига тақлид қилган ва бу услубни Европа подшоларининг шаҳар атрофидаги саройларидан олган. Буларнинг ҳаммаси бинони планлаштиришда, безатилишда, боғини планлаштиришда, шийпон, айвон ва бошқаларнинг шаклида очиқ кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда саройда Бухоро ўлкашунослик музейининг бўлими жойлашган. Сарой хоналарида архитектура, санъат ва халқ ижодига доир экспонатлар ўрнатилган. Сарой территориясида меҳнаткашларнинг дам олиш уйи жойлашган.

Ситораи Моҳи Хоссада амирнинг отаси Аҳад қурдирган иккинчи эски сарой ҳам бор. Бу саройнинг услуби бутунлай бошқача. Бу бино сарой ҳаётининг ёдгорлиги бўлиб, бутунлай бошқача планлаштирилган ва безатилган. Сарой деворлари елимли сир билан безатилган ва ганчга ўйилиб ясалган нақшлари билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Буларнинг ҳаммасида қадимий ўзбек миллий услуби сезилиб турибди.

Ҳозир бу саройда сил касал болалар санаторийси жойлашган.

Революцион-тариҳий ёдгорликлар

Бухорода революцион воқеалар, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши билан боғлиқ ёдгорликлар бор.

Шайх Жалол дарвозаси яхши сақланиб қолган. 1920 йил 31 августда М. В. Фрунзе қўмон-донлигидаги бухоролик қизил ҳарбий қисмлар шаҳарни олиш олдидан бу дарвоза олдига жойлашган эдилар. Бу дарвоза сирланган фишт билан оддий усулда безатилган.

Совет қўшинлари Бухорони олгандан кейин Тоқи Саррофон олдида М. В. Фрунзе қатнашуви билан кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу ерда М. В. Фрунзе номли сквер яратилди ва М. В. Фрунзенинг ҳайкали ўрнатилди. 1920 йил сентябрь ойида Минораи Калон майдонида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганилиги эълон қилинди. Еш республикани мустаҳкамдаш учун Коммунистик партия Марказий Комитетининг аъзоси Серго Оржоникидзе Бухорога келди. У ўзбек халқига катта ёрдам берди. Бухоро педагогика институти унинг номи билан аталди ва физика-математика факультети биноси олдида унинг ҳайкали ўрнатилди.

Вокзал олдида 1920 йилдаги революция қурбонлари хотирасига ҳайкал ўрнатилди. У безатилган трибуналдан иборат бўлиб, 1925 йилда М. И. Калинин шу ерда нутқ сўзлади. Ҳозирги область музикали драма театри биносида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съездиди ва Ўзбекистон ССР Советларининг I съездиди бўлиб ўтди. Бу съездларнинг ишига

М. И. Калинин раҳбарлик қилди. Ҳозир театр деворига мармар лавҳа ўрнатилган.

1924 йилда В. И. Ленин вафоти муносабати билан ҳозирги Регистон майдонида меҳнаткашларнинг кўп киши қатнашган мотам митинги бўлиб ўтди. Митингда сквер очиш ва В. И. Лениннинг ҳайкалини қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳозир бу ерда В. И. Лениннинг ҳайкали бор. Ҳайкал супачасига ўзбек тилида араб ҳарфлари билан ёзувлар ёзилган.

Улуғ Ватан уруши даврида педагогика институти адабиёт факультетининг биноси ҳарбий госпиталь бўлиб хизмат қилди. Яраланиб, бу госпиталда вафот қилган Ватан уруши қатнашчилари қишлоқ хўжалиги техникуми орқасидаги ўртоқлар мозорига дафн этилган. Бу мозор пасткина панжара билан тўсилган, қабрлар устига қўйилган чўян плиталарга дафн қилинган кишиларнинг номлари ёзилган.

* * *

Бухоро шаҳридаги барча архитектура ёдгорликлари тарихи узоқ ўтмишлардан бошланган ўзбек халқининг юксак мустақил ва ўзига хос бой маданиятидан далолат беради.

Усталар юксак халқ санъати асарларини яратиш билан бирга, ўз феодалларининг талабларини бажарибгина қолмай, балки шахсий дид ва ижодларини акс эттирдилар. Шунинг учун совет тарихчилари бу архитектура ёдгорликлари ва нақшларда эксплуататорларнинг идеологияси ва дунё қарашларини ҳам, шунингдек ўз қўллари билан меҳнат қилиб, ажойиб санъат ёдгорликларини яратган уста-

ларнинг йидеологияси ва дунё қарашибларини
ҳам очиб берадилар.

Совет архитекторлари янги бинолар қура-
ётганларида халқ усталари анъаналарини қўл-
ланадилар ва бу эски шаклан мада-
ниятта янги мазмун бағишлайдилар. Ҳозирги
замон санъати ўтмиш санъати билан чамбар-
час боғланмоқда.





БУХОРО ЭКОНОМИКАСИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Революциядан илгариғи Бухоро ва социалистик Бухоро

Бухоро революцияга қадар Ўрта Осиёning диний марказларидан бири эди. Бу шаҳар жуда қадим замонлардан то XVII аср гача феодал маданиятни тарқатувчи бўлиб келди. XVII асрда бошланган инқизорз Октябрь революциясигача давом этди.

Бухоро карвон йўллари чорраҳасидаги йирик савдо шаҳри эди. Бухоро аҳолиси турлитуман бўлиб, шаҳарда ўзбеклар, тожиклар, яҳудилар, араблар, қозоқлар, ҳиндлар, форслар, руслар ва бошқа миллатлар яшарди.

XIX аср тарихчиси Вамберининг маълумотларига кўра, Бухорода 60—70 мингта яқин киши бўлган. Шаҳарда феодаллар, амалдорлар, савдогарлар, ҳунармандлар, халфалар, мардикорлар, мешкобчилар яшаган.

Бухорода саноат деярли йўқ эди. Табиий қазилмалардан ганч, мармар, оҳак чиқариларди. Улар шаҳарда бинолар қуриш ва ҳавузларни мустаҳкамлаш учун ишлатиларди.

Тўплар учун тошдан ўқ тайёrlаш ва пўлат ханжар, қилич ясаш анча тараққий этган бўлса ҳам, қуролсозлик техникаси жуда қолоқ эди (уларнинг намуналарини ўлкашунослик музейида кўриш мумкин). Бухорода деҳқончилик учун зарур бўлган турли асбоблар ясаларди. Бу ерда газлама тўқиши минг йиллик тарихга эга.

Тўқимачилик бора-бора ҳунармандчилик доирасидан ўтиб, майдо-майдо корхона шаклига яқинлашди. Бу корхоналар бир бинога жойлашган, ўша ердаги тўқувчиларнинг меҳнати бўлинган бўлиб, ёлланган ҳунармандлар ишларди. Бухорода революцияга қадар ҳар бири 50—60 тадан дастгоҳга эга бўлган 9 та тўқимачилик корхонаси ва 3—4 тадан дастгоҳга эга бўлган 80 та бошқа корхоналар бор эди. Шаҳарда 1500 тўқувчи бўлган эди. Савдогарлар Бухоро газламаларини Россияга ва жуда кўп Шарқ мамлакатларига олиб борардилар.

Шаҳарда зардўзлик жуда тараққий этди. Зардўзлар зартўппи, зартўрва, зарҳамён, зартўн, заржабдуқ тикардилар. Бухоро зартўнлари бутун Шарқда машҳур эди. Зар уқа билан тикилган буюмлар ўзининг гўзал қашталари ва яхши пардозлари билан ажралиб туради. Зардўзлик Бухоро амирининг шахсий мулки ҳисобланарди. Хом ашё сифатида ишлатиладиган зар уқани харид қилиш амир амалдорларининг назоратида эди. Уқадан тикил-

ган буюмларни фақат ҳукмрон синфларгина оларди (кийимларнинг намуналарини музейда кўриш мумкин).

Ҳунармандчилик соҳасида айниқса заргарлик жуда тараққий этган эди. Заргарлар турли-туман буюмлар, чунончи билакузук, зирақ, маржон, узук, қутича ва бошқа бежирим буюмлар ясадилар. Симдан нафис буюмлар эшиларди. Усталар бундай буюмларни зўр санъаткорлик билан ясадилар. Заргарлар маҳсулоти Бухородан ташқари узоқ жойларга ҳам юборилар эди. Зеби-зийнат буюмларни бой синфлар, яъни машҳур феодаллар, сарой амалдорлари ва шаҳардаги ўзига тўқ кишилар сотиб оларди.

Бухора ўзининг ипак газламалари билан ҳам Марғилон ва Фарғона шаҳарлари каби машҳур эди.

Бу ерда рўзғор анжомлари ясайдиган майдада ҳунармандчилик ҳам бор эди. Ҳунармандлар темир, мис, тунука ва ёғочдан ҳар хил буюмлар ясадилар. Бундай буюмларни камбағаллар, ўртача кун кўрувчи хонадонлар ва қишлоқ аҳолиси сотиб оларди. Ҳунармандчилик техникаси қолоқ эди. Ҳунармандчилик ишлари қатъий тартибларга бўйсундирилган бўлиб, Бухорода устахона низоми, яъни «рисола» амалга оширилди. Шогирд ва халфаларнинг аҳволи оғир эди.

Бухоро амирлигининг феодал-сиёсий тузуми мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари тарақ-қиётига халақит берди. Бу тузум шарқ типидаги мустабид монархиядан иборат бўлди. Дунёвий ҳокимият ҳам, диний ҳокимият ҳам



Абу Али ибн Сино номидаги кутубхонада

Савдо-кооператив техникуми





Эски зардўз уста Раҳмат
Мирзаев
(„Октябрь 40“ ийлиги“
зардўзлик артели)



Артөлнинг ишлаб чиқарган
зардўзлик маҳсулотлари



давлат бошидаги амир қўлида эди. Бухоро амирлиги теократик давлатнинг (сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган тузумнинг) ўзига хос бир шаклидир. Амирликда қатъий қонунлар йўқ эди. Суд ишлари шариат қозилари қўлида эди. Амир давлатни бошқариш ишлари билан камдан-кам шуғулланар ва кўпроқ айш-ишратга берилган эди. Давлат ғазинаси амирнинг шахсий ғазинаси билан аралашиб кетган эди. Унинг бош вазири қўшбеги бўлиб, у Бухоро вилоятининг ҳокими ҳам эди. Вилоят ҳокимлари ва беклари ҳамиша мустақил бўлишга интилдилар, шунинг учун ҳам уларнинг ўз аскарлари, қозилари бўларди, аҳолидан ҳар хил йиғимлар тўплаш ҳуқуқига эга эдилар.

Бухоро амирлигига 86 хил турли-туман солиқ ва йиғимлар бўлиб, уларнинг олтин ҳисобидаги умумий миқдори 30 миллион сўмни (1913 йилда) ташкил этарди. Харажатлар қуидагича тақсимланарди: армияга—1 миллион сўм, навкарларга—100 минг сўм, амалдорларга тортиқлар—1 миллион сўм, бошқа чиқимларга 100 минг сўм сарфланарди. Бу пулларнинг 27 миллион 800 минг сўми шахсан амирга қоларди.

Сарой амалдорларидан ташқари амирликда руҳонийлар ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлиб, қозихоналар ва мадрасалар улар қўлида эди. Мударрислар, мадраса домлалари ҳаддан ташқари кўп эди.

Бухоро мадрасаларида фақат дин ўқитилди. Мактаб ва мадрасаларда дин-шариатдан дарс берилди. Ўқитиш бутунлай эскича (қироатхон.

лик) усулида олиб борилди. Мадрасаларда тартиб-одоб сақлаш учун муллабаччаларни ураддилар, калтаклардилар. Номоз ўқиши ва диний урф-одатлар ўргатиларди. Диний китоблар араб ва форс тилларида ўқиларди. Қуий мактабларда тўрт йилдан саккиз йилгача, юқори мактабларда—20 йил ўқитиларди. Уша маҳалда саводхонлар 2 процентдан ошмаган эди.

Шаҳарда ободончилик ишлари аянч ҳолда қолиб келди. Шаҳар атрофи деворлар билан ўралгани учун аҳоли гоят руж яшади. Уйлар болохоналик қилиб қуриларди, кўчалар тобора торайиб борар, дараҳт ўтқазилмасди.

Шаҳар территорияси сира кентаймагани ҳолда мозорлар тобора кўпайди. Бойлар шаҳарнинг марказий қисмида яшаб, камбағаллар шаҳарнинг овлоқ жойларида лойдан қурилган кулбаларда истеқомат қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси шаҳар экономикасини, маданиятини ва турмушини тубдан ўзгартириди.

Ленинча миллий сиёsat изчиллик билан амалга оширилиши туфайли қадимий Бухоронинг қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Ўтмишда рус чоризмининг қолоқ чекка ўлкаси ҳисобланган, ҳукмрон феодаллар ва бойлар ўрта асрлардагидек бош-бошдоқлик қилган, меҳнаткашлар қашшоқ ва ҳуқуқсиз бўлган Бухоро, Совет ҳокимияти йилларида пахта саноати маҳсулоти, дунёда энг яхши қоракўли билан Ўзбекистоннинг илгор областларидан бири бўлиб қолди.

Революцияга қадар Бухоро корхоналарида фақат 536 ишчи ишларди. Ҳозирги вақтда об-

ластдаги саноат корхоналарида 40 минг киши меҳнат қилмоқда. Буларнинг кўпчилиги маҳаллий миллат вакилларири.

Областда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш — 1957 йилда 1913 йилдагига нисбатан минг баравар ошиб, деярли 2 миллиард сўмга етди. Пахта майдони 1957 йилда 1913 йилдагига қараганда 550 процентга борди, шу даврда пахта етиштириш 6 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Социалистик қурилиш йилларида ўнлаб йирик саноат корхоналари вужудга келдики, булар экономика жиҳатидан шаҳарнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ленин кўчасига кираверишда қад кўтарган Октябрь Х йиллиги номидаги пиллакашлик фабрикаси сўнгти йилларда қурилган йирик корхоналарнинг биридир. Бу фабрика маҳсулот ишлаб чиқаришда мамлакатда биринчи ўринда туради. Унда миллый кадрлар, хусусан хотин-қизлардан кадрлар тайёрловчи манба ҳисобланади.

Оржоникидзе кўчасида ВЛКСМ XX йиллиги номли тикувчилик фабрикаси жойлашган. Бу фабриканинг цехларида ўттиз миллатдан иборат бўлган 1700 киши ишлайди. Фабрикада иш жараёни конвейер усулида боради. Корхона йилига 600 мингдан зиёдроқ кийим-кечак ишлаб чиқаради. Фабрика ҳузурида умумий маълумот берадиган ўрта мактаб, тикувчи мутахассис кадрлар тайёрлайдиган мактаб, болалар боқчаси, ясли ва амбулатория бор. Бундан ташқари вокзал олди майдонида жойлашган XVI партсъезд номли йирик тикувчилик фабрикаси ишлаб турибди.

Қарши дарвозасидаги Алишер Навоий номли янги катта йўл бошланадиган ерда гигант ёғ-экспеллер заводи қад кўтарди. Завод атрофига ишчи ва хизматчиларнинг бежирим уйлари бор, унинг орқасида пахта тозалаш заводи жойлашган.

Шаҳарда қоракўл заводи бор. Унда дунёга машҳур бўлган юқори сифатли қоракўл терилари ошланади.

Булардан ташқари, шаҳарнинг ҳар жой-ҳар жойида пойабзал ва йигирув фабрикалари, гўшт комбинати, фишт ва мотор-ремонт заводлари, тепло-электр станция ва бошқа корхоналар ўрнашган.

«Октябрь 40 йиллиги» артелида ишланган зардўзлик буюмлар Бухоро шаҳридан бошқа жойларда ҳам машҳур. Бу артелнинг СССР ва чет эл виставкаларига юборган бадиий паннолари, тўппилари, халтачалари, аёллар камари ҳаммага жуда манзур бўлмоқда.

Саноат корхоналарининг энг яхши техника билан ускуналаниши ва меҳнаткаш омманинг ижодий ташаббусининг ўсиб бориши туфайли саноат маҳсулоти йилдан-йилга кўп ишлаб чиқарилмоқда. Бухоро шаҳар саноатининг ялпи маҳсулоти кўтара-савдо нархида 1953 йилдан 1957 йилгача 105 процент ошди.

Саноат ва уй-жой қурилиши авж олишига қараб, сўнгги йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам қатъий суратда ўсди. Масалан, 1957 йилда пишиқ фишт 1953 йилдагига қараганда 6,5 баравар кўп ишлаб чиқарилди.

Саноат корхоналарининг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Электр қувватига бўлган

талаб тобора ошмоқда. Түрмуш эҳтиёжлари учун электр энергия сарфлаш 1950 йилдан 1957 йилгача уч ҳисса ортди.

Ишчилар сони кейинги тұрт йил мобайнида (1953—1957 йиллар) 122 процент күпайды.

Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг иш ҳақи тұхтовсиз үсиб бормоқда. Масалан, ВЛҚСМ XX йиллиги номидаги тикувчилик фабрикаси ишчи ва инженер-техник ходимларнинг иш ҳақи икки йил ичида, яғни 1955—1957 йиллар мобайнида 12,3 процент, Октябрнинг X йиллиги номидаги пиллакашлик фабрикасида эса —6,8 процент ошди.

Саноат ва қишлоқ хұжалиги соҳалари бүйіча миллий инженер-техник интеллигенцияси кадрлари етишди. Ҳозир обласстдаги саноат корхоналарыда 600 га яқын инженер-техник ходимлар, қишлоқ хұжалиги соҳасыда 700 дан ошиқ агроном, зоотехник, ветврач, инженер-техник ва бошқа мутахассислар ишламоқда.

Хунармандчилик ишлаб чиқаришида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Майда тарқоқ устахоналар ўрнига артеллар ташкил қилинди. Шаҳардаги майда тұқыв устахоналари Тельман номидаги артелга бирлашди. Зардўзлик ишхоналари эса «Октябрь 40 йиллиги» артелига уюшди. Барча артеллар янги техника билан ускуналанган.

Илғор зардўз усталар ўз санъатларини ҳозирги замон темаларига бағишламоқдалар. Ажойиб усталардан F. Мұхамедов, Н. Аминов, П. Ҳакимова, И. Аҳророва, Р. Ҳакимова, С. Саъдуллаева ва бошқа артель аъзолари ўз санъаткорліклари билан машҳурлар.

Еғоч ва ганч ўймакорлик санъати ва бинокорлик архитектурасининг бадий безаклари Уста Ширин Муродов ва унинг шогирди уста Назрулла Ёдгоровнинг ижодида ёрқин акс этди.

Бухорода радио алоқаси яхши йўлга қўйилган. Аҳоли радиоприёмник ва радио карнайлардан, телефон ва телеграфдан кенг фойдаланиди.

Шаҳар ва уй-жой қурилиши яхшиланди. Кейинги беш йил мобайнида 19 644 квадрат метр янги уй-жой қурилиб, бу уйларга меҳнатқашлар кўчиб кирдилар. Бундан ташқари, якка уй-жой қуриш жуда ҳам авж олди. 1957 йилда якка уй қурувчилар 150 та (6700 квадрат метр) уй қуриб олдилар. Кейинги йилларда яна 440 уй қурилди.

